

74.37

Ш 77

252




**БОЛАЛАР НУТҚИДАГИ
НУҚСОНЛАР ВА УЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ**

Р. ШОМАҲМУДОВА, Л. МУМИНОВА

БОЛАЛАР НУТҚИДАГИ НУҚСОНЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

*Қайта ишланган ва тўлдирилган
4-нашр*



ТОШКЕНТ 2015

ТАҚРИЗЧИЛАР: Н. Ёқубова – Низомий номли ТДПУ ўқитувчиси.
Ш. Шермуҳамедова – 475-махсус мактабгача
таълим логопеди.

Р. Шомаҳмудова, Л. Мўминова.

Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш усуллари.

Мазкур қўлланмада болаларда учрайдиган нутқ нуқсонларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир коррекцион-логопедик иш тизимини олиб бориш юзасидан зарур маслаҳат ва кўрсатмалар берилган. У махсус таълим педагоглари, дефектологлари ва умумтаълим муассасаларида инклюзив гуруҳ ва синфларда фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун методик қўлланма сифатида тавсия этилади. Шунингдек, ушбу қўлланмадан олий ўқув юрти талабалари, нодавлат ташкилотларда имконияти чекланган болалар билан шуғулланувчи мутахассислар, кўнгиллилар ва ота-оналар ҳам фойдаланишлари мумкин.

КИРИШ

Мақтаб ва мактабгача таълим муассасаларида таълим, тарбия олувчи фарзандларимизнинг замон талаби асосида ҳар томонлама етук шахс сифатида камол топишида ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишида улар нутқининг тўғри ва мукаммал ривожланиши катта аҳамиятга эга. Чунки нутқ – бу кишилараро алоқа қуроли, миллий бойлик ҳамда таълим, тарбия беришнинг қудратли воситасидир.

Бола катталарга тақлид қилиш орқали товуш ва сўзларни тўғри талаффуз этишга ўрганади. Демак, ота-оналар ҳамда тарбиячилар бола-нинг товушларни тўғри талаффуз этишига эътибор беришлари, улар нутқида учрайдиган нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга киришишлари лозим.

Мақтабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар орасида нутқий нуқсони бор бўлган болалар учраб туради. Уларда баъзан нутқнинг тўлиқ ривожланмаслик ҳолатлари ҳам кузатилади. Бундай нуқсонли болалар мактаб дастурини ўзлаштиришга қийналадилар ва улар логопед ёрдамига муҳтож бўладилар.

Ушбу ўқув-методик қўлланмадан махсус ёрдамга муҳтож болалар билан шуғулланувчи мутахассислар мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг товуш талаффузидаги камчиликларни аниқлаш, ва уларни бартараф этишда фойдаланишлари мумкин.

Қўлланманинг биринчи қисмида асосан нутқнинг аҳамияти, нутқ аъзоларининг тузилиши, болалар нутқининг ривожланишида кўриш ва эшитишнинг роли, артикуляция аъзоларини текширишга оид маълумотлар келтирилади.

Қўлланманинг иккинчи қисми сирғалувчи ва шовқинли товушлар, учинчи қисми сонор товушлар, тўртинчи қисми «К, Г, Х, Қ, Ў, Ҳ» товушлари, бешинчи қисми жарангли ва жарангсиз ундош товушларнинг талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш методикасига бағишланади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

НУТҚ АЪЗОЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Нутқ аппарати бир-бирига боғлиқ бўлган икки қисмдан: *марказий* ва *периферик* нутқ аъзоларидан иборат.

Ядродан бош мия нервлари бошланади. Периферик нутқ аъзоларининг ҳаммаси бош мия нервлари билан таъминланади. Улардан асосийлари: *уч тармоқли, юз, тил-ҳалқум, сайёр, қўшимча ва тил ости нервларидир*. Уч тармоқли нерв пастки жағни ҳаракатга келтирувчи мускулларни иннервациялайди; юз нерви мимик мускулатура-ни, шу билан бирга лабларни ҳаракатга келтирувчи, лунжларни шиширувчи ва ички томонга тортувчи мускулларни; тил-ҳалқум ва сайёр нервлар – ҳиқилдоқ ва овоз бойламларини, ҳалқум ва юмшоқ танглай мускулларни иннервациялайди. Бундан ташқари тил-ҳалқум нерви тилнинг сезувчи нерви бўлиб ҳисобланади. Сайёр нерв эса нафас ва юрак аъзоларининг мускулларини иннервациялайди. Қўшимча нерв бўйин мускулларини иннервациялайди, тил ости нерви тил мускулларини ҳаракат нервлари билан таъминлайди.

Узоқ нафас чиқариш учун кўп ҳаво захираси керак бўлади. Шунинг учун нутқ жараёнида ҳаво олиш ва чиқаришнинг ҳажми кўпаяди (тахминан 3 марта). Нутқ вақтида нафас олиш нисбатан қисқа ва чуқур бўлади. Нутқ вақтидаги нафас олишнинг яна бир хусусияти шундаки, нутқ жараёнидаги ҳаво чиқариш мускулларининг фаол ҳаракати остида содир бўлади. Бу эса узоқ ва чуқур нафас чиқаришга имкон яратади ва бундан ташқари, ҳаво оқими босимини кўпайтиради (бусиз жарангдор нутқнинг бўлиши мумкин эмас).

Овоз бўлимини *ҳиқилдоқ* ва у билан бирга жойлашган *овоз пайчалари* ташкил қилади. Ҳиқилдоқ бўйиннинг олдинги қисмида жойлашгани учун *ҳиқилдоқ дўнги* айниқса, озғин кишиларда кўзга яққол кўриниб туради. Ана шу дўнглик кекирдак олмоси деб аталади. Ҳиқилдоқ гапирганда, йўталганда, ашула айтганда осон ҳаракатланади. Ҳиқилдоқ тоқ узуксимон, шохсимон ва жуфт чўмичсимон, шохсимон тоғайлардан иборат. Ҳиқилдоқ асоси бир-бири билан бириккан тоғайлардан ташкил топган бўлиб, бурундаги ҳаракат махсус мускуллар ёрдамида рўй беради.

Овоз пайчалари *ҳиқилдоқ*да жойлашган бўлиб, улар нафас олганда, баланд ёки паст овозда гапирганда муайян ҳолатни эгаллайди.

Эркакларда *ҳиқилдоқ* аёлларга нисбатан каттароқ, овоз пайчалари эса узунроқ ва қалинроқ бўлади. Аёлларда овоз пайчаларининг узунлиги ўртача 18–20 мм, эркакларда 20–24 мм гача бориши мумкин. Ўғил ва қиз болаларда балоғатга етиш даври бошлангунга қадар *ҳиқилдоқ*нинг катталиги ва тузилишида фарқ бўлмайди. Ўзгариш

қизларда 12–13 ёшда, ўғил болаларда эса 13–15 ёшда содир бўлади. Бу вақтда ҳиқилдоқнинг катталиги қизларда 1/3, ўғил болаларда 2/3 қисмга ўсади ва овоз пайчалари чўзилади.

Овоз пайчалари ўзининг оғирлиги билан ҳиқилдоқнинг кўп қисмини эгаллаб олади ва тор овоз туйнугини қолдиради.

Нутқнинг ривожланиб боришида болаларнинг катталар билан суҳбатлашиши катта аҳамиятга эга. Бу ҳолат боланинг эшитиб эслаб қолиш қобилиятининг ривожланишига ва луғат бойлигини ортб боришига ёрдам беради.

Шунингдек, бола ўзининг артикуляция аъзолари фаолиятини эшитув анализаторидан келаётган сигналларга бўйсундириш малакасини эгаллаб боради. эшитиш ёрдамида бола атрофдагиларнинг нутқини идрок этади, унга тақлид қилади ва ўз талаффузини назорат қилади. Л.В. Нейман ва Й.И. Белтюковларнинг олиб борган текширишлари бўйича овоз пасайиши натижасида айрим товушларни идрок қилишида қийинчиликлар юзага келади. Эшитишнинг бундай пасайиши нутқ ривожлангунга қадар ёки нутқ ривожланиш даврида юзага келса, одатда нутқнинг умумий ривожланмаганлигига олиб келади. Товушлар талаффузида бузилишлар бўлар экан, луғат бойлиги ва грамматик тизим ҳам етарли даражада ривожланмайди.

Болаларда фонематик идрок аста-секин, талаффузнинг шаклланиши билан параллел равишда ривожланади. Одатда бола 4 ёшга етганда ўз она тилидаги барча фонемаларни эшитиш орқали уларни ажратиш қобилиятига эга бўлади.

Кўриш ҳам бола нутқининг ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Нутқнинг пайдо бўлиши ва тилининг идрок этилишида кўриш анализаторларининг муҳим рол ўйнаши туғма кўр болаларнинг кеч гапира бошлаганлиги билан тасдиқланади. Кўрадиган бола гапираётганларнинг тил ва лаб ҳаракатларини синчковлик билан кузатади ва уларни қайтаришга ҳаракат қилади. Одатдаги артикуляция ҳаракатларига яхши тақлид қилади.

Боланинг ривожланиш жараёнида кўриш, эшитиш ва бошқа анализаторлар ўртасида шартли алоқалар тизими юзага келади. Улар такрорланиб турувчи алоқалар билан доимо ривожланиб, мустаҳкамланиб боради.

НАФАС ОЛИШ

Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатларининг вужудга келишига сабаб кўкрак қафаси ҳажмининг кенгайган вақтда унинг ички деворини қоплаб турувчи пардаси чўзилади. Бу парда билан ўпка пардаси ораллигида пайдо бўлган тор бўшлиқда босим атмосфера босимидан

анча паст бўлади, натижада, ўпка пардаси кўкрак қафасининг девор пардаси томон сурилади ва у ҳам тортилади, ўпка ҳажми кенгайди. Бундай ҳаракат ўпка пуфакчаларини чўзилишга ундайди ва улардаги ҳаво атмосфера босими таъсирида ҳаво йўллари орқали ташқарига чиқиб кетади.

Тинч ҳолатда нафас олиш. Бу жараён қовурғалар, нафас олиш мускуллари ҳамда диафрагманинг бўшаши туфайли вужудга келади. Бунда қовурғалар пастга тушади, диафрагманинг бўртиқлиги ортади ва кўкрак бўшлиғининг ҳажми нафас олишдан олдин қандай ҳолатда бўлса, яна шундай ҳолатга қайтади. Шу сабабли муайян миқдордаги ҳаво ўпкадан ҳаво йўллари орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Нутқ учун нафас чиқаришнинг маъқул тури пастки диафрагмални нафас чиқаришдир. Нафас чиқаришнинг бу турида ўпканинг энг кенг қисми ва диафрагма, шунингдек, пастки қовурға иштирок этади.

Тўғри нафас олишга одатланиш учун ҳар куни нонуштадан аввал ва кечкурунги уйқудан ярим соат олдин машқ қилиш керак. Бунда аввал, нафас яхшилаб олинади, сўнгра аста-секин чиқарилади. Машқ 5 мартагача такрор бажарилади. Кейинчалик нафас олиб, нафас чиқариш машқини 15 мартагача етказиш мумкин. Бу машқларни зўриқмай 2–3 ҳафта давомида бажариш керак. Кейинроқ нафас олиш машқини товушлар талаффузи орқали мустаҳкамлаш лозим. Бунда аввал нафас хотиржамлик билан олинади ва аста-секин чиқарилади. Нафас чиқарилаётганда ф... , с... , ш... , х... , товушлари чўзиброк талаффуз этилади, кейинроқ бир нафас чиқаришда иккита товуш ф... , ф... , ф... , ф... , с... , ф... , с... , ф... , с... , ф... , сўнгра учта ф... , с... , ш... , товуши талаффуз қилинади. Бунда товуш узилмаслиги ва бир товуш иккинчисига боғланган бўлиши керак.

Янги товушларни бир-бирига қўшиш билан нафас чиқаришини аввалгисига нисбатан чўзиш лозим. Шу боис, нутқий нафасга қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- 1) чуқур нафас олиш ва нафас чиқарилаётгандагина гапириш;
- 2) нафас чиқариш ва нафас олишни фақат оғиз орқали бажариш;
- 3) нафас секин-аста ва шовқинсиз олиниши, нафас чиқариш эса чўзиқ ва меъёрда бўлиши;
- 4) нафас олиш пайтида қорин ва ўпканинг пастки кенгайиши, нафас чиқариш вақтида эса улар олдинги ҳолатга қайтиши;
- 5) нафас чиқариш ва нафас олиш вақтида кўкрак қафаси фаол иштирок этмаслиги;
- 6) нафас олиш ва нафас чиқариш вақтида елкалар ҳаракатсиз бўлиши;
- 7) янги нафас олиш олдидан тахминан 2–3 сония тўхталиши;
- 8) чиқарилган ҳаво асосан унли товушларга сарфланиши;
- 9) бир нафас чиқаришда 3–4 сўз талаффуз қилиниши, бунда сўзлар

бир-бирига қўшиб талаффуз этилиши;

10) узун жумлаларни талаффуз этишда аввало, мазмунли уларни бўлакларга ажратиш ва талаффуз қилиш чоғида албатта қўшимча нафас олиш;

11) нафас чиқаришда эҳтиёткор ва тежамкор бўлиш, ҳавони беҳуда сарфлашга йўл қўймаслик;

12) нутқий нафас олишда бўйин, қўл, қорин, кўкрак мушакларининг таранглашишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда соф ва енгил овоз чиқаришга эришиб бўлмайди.

ОВОЗ

Овоз ва нутқ вақтида кечадиган жараёнларини бош мия бошқаради. Ундан келган сигналга мувофиқ овоз ва муайян нутқ товушлари пайдо бўлади. Энерготик тизим (бунга нафас олиш органлари киради) ёрдамида пайдо қилинган овоз «ҳайдаб» чиқарилади ва резонатор тизими ёрдамида кучайтирилади.

Овоз пайчалари ҳиқилдоқ ипига жойлашган бўлади. Улар учбурчак шаклида тузилган ҳиқилдоқнинг орқа (томоқ) қисмидан иккита тасма шаклида бошланиб, бўртиб турган олдинги бурчакка келганда учлари бирлашади. Овоз пайчалари оралиғида узунасига пайдо бўлган ёриқ овоз дарчаси дейилади.

Овоз пайчалари киши гапираётган пайтда, гапирувчининг эҳтиёжига кўра тез-тез чўзилиб-қисқариб туради. Пайчалар қанчалик тортилса, овоз шу қадар ингичка ва баланд чиқади, яъни овоз пайчалари шу қадар қисқариб боради. Бу вақтда икки ёндан ўраб олган тоғайлар ва ҳиқилдоқнинг тебраниб туриши ташқи томондан ҳам сезиларли даражада кўзга ташланади. Пайчаларда ҳосил бўлган товушлар қайтаргич (резонатор)ларга урилиб, қайтгандан кейингина овоз тарзида эшитилади. Қайтаргичларсиз товуш кучсиз ва ифодасиз бўлади.

Киши танасидаги қайтаргичлар жумласига қаттиқ тўқималардан иборат бўлган қисмлар — кўкрак қафаси (суяклар), бош суяги, бурун тоғайлари, бурун бўшлиғи, тишлар, жағ суяклари киради.

БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КЎРИШ ВА ЭШИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Болалар улғайиб борган сари, уларда атроф-муҳит билан алоқа боғлашнинг янги шакллари пайдо бўлади. Боланинг нутқи биринчи сигнал тизими томонидан доимо аниқ импульслар билан қўллаб-қувватлангандагина тўғри шаклланади.

Нутқнинг тўғри ривожланиши учун бола меъёрида эшитадиган

бўлиши муҳимдир. Эшитиш органи бола туғилган кунидан бошлаб ошга тушади. Ҳаётининг иккинчи ҳафтасига келиб, боланинг овозга қулоқ солаётганини кузатиш мумкин. Бу эшитув анализаторининг функционал жиҳатдан етарлича етуқлиги ҳамда марказий нерв тизимида эшитув функцияси (доминант) пайдо бўла олишини кўрсатади. Ҳаётининг 2-ойига келиб бола сифат жиҳатдан ҳар хил товушларни ажрата бошлайди. 3-ойдан бошлаб овоз келган томонга қарай бошлайди. Бола 3–4 ойлик бўлиб қолганда товушларнинг тонини ажрата оладиган бўлади ва уларда нутқнинг эшитиш қобилияти ёши улғайган сари ривожланиб боради.

НУТҚ КАМЧИЛИКЛАРИНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАСНИФИ

Нутқ нуқсонларини бартараф этиш ва тарбиялашга жалб этиш билан боғлиқ психологик-педагогик тасниф профессор Р. Левина томонидан ишлаб чиқилган.

1. Нутқнинг фонетик-фонематик камчилиги (НФФК) – болаларда она тилини талаффуз қилиш тизими шаклланиш жараёнида нутқ фонемаларини идрок этиш ва товуш ёки бир неча товуш гуруҳи талаффузининг бузилишидир.

2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (НТР) – мураккаб нутқий камчилик ҳисобланиб, бу нутқ тизимининг лексик-грамматик, фонетик-фонематик компонентлари шаклланиш жараёнининг бузилишидир.

3. Дудуқланиш – нутқнинг коммуникатив (муомала) функцияларининг бузилиши деб қаралади. Нутқ аъзолари мушакларининг ва ихтиёрий пай тортишиши натижасида суръат, яъни оҳангининг бузилишидир.

Бир неча хил (комбинацияланган) нуқсон ҳам бўлиши мумкин, бунда дудуқланиш нутқнинг тўла ривожланмай қолиши билан қўшилиб кетади.

НУТҚ КАМЧИЛИКЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

1. Дислалия – товуш талаффуз қилишнинг меъёрида эшитиш ва нутқ аъзоларининг сақланган иннервацияси пайтида бузилиши.

2. Ринолалия – товуш тембри ва талаффузнинг нутқ аъзоларидаги анатомик-физиологик нуқсонлар билан боғлиқ ҳолдаги бузилиши.

3. Дизартрия – нутқ талаффузининг марказий нутқ аъзоларининг органик шикастланиши билан боғлиқ ҳолдаги бузилиши.

4. Дисфония – товуш аъзоларининг паталогик ўзгаришлари оқибатида овознинг заифлашуви.

5. **Афония** — товуш аъзоларининг патологик ўзгаришлари оқибатида овознинг йўқ бўлиши.

6. **Алалия** — боланинг она қорнида ёки илк ривожланиш даврида бош мия қобилиятидаги нутқ зоналарининг органик шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши.

7. **Афазия** — бош миyanинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

8. **Дудуқланиш** — нутқ аъзолари мушакларининг ва ихтиёрий пай тортишиш натижасида суръат — оҳангнинг бузилиши.

9. **Брадилалия** — нутқнинг паталогик секинлашган суръати.

10. **Тахилалия** — нутқнинг паталогик тезлашган суръати.

11. **Дисграфия** — ёзиш жараёнининг қисман ўзига хос равишда бузилиши.

12. **Аграфия** — ёзиш жараёнининг мутлоқ йўқ бўлиши.

13. **Дислексия** — ўқиш жараёнининг қисман ўзига хос бузилиши.

14. **Алексия** — ўқиш жараёнининг мутлақ йўқ бўлиши. Келтирилган таснифлар, кўпроқ нутқнинг бирламчи ривожланмай қолишига, яъни эшитиш қобилияти ва ақлий жиҳати етук бўлган болаларда нутқ бузилишларига нисбатан ишлаб чиқилган. Дарвоқе, бу тоифага руҳий ривожланиши орқада қолган, кўриш қобилияти ва таянч ҳаракат аъзолари бузилган болалар ҳам киради. Логопедияда ишлаб чиқилган тасниф ни юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги нутқи бузилган болаларга нисбатан қўллаш мумкин.

АРТИКУЛЯЦИЯ АЪЗОЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

Артикуляция аъзоларини текширишдан кутилган мақсад товушлар талаффузидаги нуқсонларга сабаб бўлувчи камчиликларни аниқлашдир. Артикуляция аъзоларининг тузилишини текширишда қуйидагиларга эътибор берилади.

Лаблар: қалин, юпқа, юқори лабнинг калталиги ва пастки лабнинг қалинлиги, лабнинг туғма иккига бўлинганлиги, лабнинг кемтиклиги.

Тил: макрогlossия, узун, тор тил, калта тил, тил тагидаги юганчаннинг калта бўлиши.

Жағлар: прогения, прогнатия.

Тишлар: йўқ бўлиши, (олд ва ён тишларнинг) ораси очиқ бўлиши.

Қаттиқ танглай: баланд, паст, ясси, ёриқликнинг бўлиши.

Юмшоқ танглай: калта, иккига бўлинган, йўқ бўлиши.

Сўнгра артикуляция аъзоларининг ҳаракатчанлиги текширилади. Бунда лаб, пастки жағ, тил, юмшоқ танглай машқларидан фойдаланилади.

АРТИКУЛЯЦИЯ МАШҚЛАРИ

Нутқ жараёнидаги лаб, жағ, тилнинг турли шаклдаги ҳаракатларига *артикуляция* дейилади. Артикуляция машқлари асосан нутқ аъзоларининг такомиллаштириш товушларнинг аниқ талаффузини таъминлашни кўзда тутаяди. Нутқ аъзоларининг мўтадил ва меъёрий ҳаракатини таъминловчи машқлар асосан қуйидагилардан иборат:

Юқори лаб машқи. Машқ вақтида лаб икки ёнга ва юқорига тортилиб, «табассум» ҳолати юзага келади. Худди шундай фаоллик билан лаб асли ҳолига келтирилади ва юқори тишлар ёпилади.

Пастки лаб машқи. Бунда юқоридаги ҳолат тўла-тўқис пастки лаб воситасида бажарилади. Бунда жағнинг қимирламаслигига алоҳида эътибор берилади.

Бирлаштирувчи машқда юқори ва пастки лаб машқлари навбатма-навбат бажарилади. Демак, аввал юқори лаб, кейин пастки лаб ва яна юқори лаб ва пастки лаб машқлари такрорланади. Бу манзара тишларни лаблар воситасида навбатма-навбат «артиш»ни эслатади.

Умумий машқлар. Лаблар «о» товушини талаффуз этаётгандек ҳажмда очилади ва олдинга чўзилади, кейин лаблар аста-секин «у» товушини талаффуз этиш ҳолатигача қисқартириб борилади. Ундан кейин икки лаб тишлар қаторини «артган» каби икки томонга тортилади ва яна олдинга чўзилиб, бошланғич «о» шаклига келтирилади. Бу машқни бажаришда «о-и-а-у-ў-и-о» товушлари овозсиз, фақат артикуляция воситасида бир неча марта такрорланади.

Лабларни чўччайтириш машқи. Тишлар бир-бирига зич ёпишган ҳолда, лаблар ўзидан узоқда турган бир нарсани олмоқчи бўлгандек чўзилади, кейин чуқур жилмайиш ҳолатига (икки ёнга тортилади) ўтилади. Бу машқ ҳам бир неча марта такрорланади.

Тил машқлари. Тилни чиқариш ва тортиш машқида тилнинг икки чеккаси юқорига кўтарилиб, «тарновча» ҳосил қилинади ва имкони борича олдинга чўзилади ва юқори милкларни, кейин танглайни силаб ўтиб, томоққа томон қайрилади. Машқ бир неча марта такрорланади.

Лабларни ялаш машқлари. Бунда тил учи билан эркин турган лаблар доирасини аввал бир томон, сўнгра қарама-қарши томон бўйлаб «ялаб» чиқилади. Бундай машқ вақтида тилдан бошқа барча аъзолар осойишта ҳолатда туриши лозим.

Тилни лунжлар томон ҳаракат қилдириш машқи. Бу машқни бажаришда тил учи ўнг ва чап лунж томон аввал аста, сўнг тез ҳаракат қилдирилади.

Тилни айлантириш машқи. Бу ҳолда лаблар юмук бўлиб, тил учи билан тишлар бўйлаб аввал бир томонга, сўнгра қарама-қарши то-

монга ҳаракат қилинади. Бу машқда тишни «тозалаш» ҳолати бажарилади.

Тилни тишлаш машқи. Бунда тилни тепа ва пастки тишлар орасига олиб, уни бир неча бор «тишланади».

Жағ машқлари. «Эснаш» вазияти машқида тил ясси ва эркин ҳолатда бўлиб, учи пастки тишлар қаторига тегиб туради, жағ бироз пастга томон туширилиб, айна вақтда енгилгина нафас олинади: кичик тилнинг олдинги қисми ёйилиб, юқорига кўтарилади ва ёқимли эснаш пайдо бўлади.

Жағни олдинга ҳаракат қилдириш машқида жағ бироз пастга туширилиб, олдинга ва орқага қараб ҳаракат қилинади.

Жағни икки ёнга шошилмай ҳаракат қилдириш машқи ҳам қўлланилади. Машқ бир неча марта такрорланади.



O



N



A

ИККИНЧИ ҚИСМ

ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИНИ ТЕКШИРИШ

Товушлар талаффузининг ҳолати логопедик амалиётда қабул қилинган қуйидаги усул асосида текширилади. Бунда болага буюмлар расми кўрсатилади. Расмдаги буюмларни ифодаловчи сўзлар ичида келувчи текширилаётган товуш эса уч ҳолатда сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охирида берилиши лозим.

Товушлар талаффузининг ҳолати қуйидагича аниқланади:

- механизмлар бўйича; дислалия, енгил кўринишдаги дизартрия;
- кўринишга қараб: мотор, сенсор, аралаш дислалия;
- юзага чиқишига кўра: мономорф ёки оддий бузилиш, полиморф ёки мураккаб бузилиш.

– Барча текширилаётган товушлар қатнашган сўзларни ифодаловчи махсус танланган буюм расми текшириш учун материал бўлиб хизмат қилади.

– Расмларни танлаш мезонлари: мактабгача ёшдаги болаларнинг тушуниши учун мос бўлиши, идрок қилинаётган расмнинг тарбиявий ва таълимий томонлари ҳисобга олиниши; ижобий ҳис-ҳаяжонли муносабат уйғотиши; ҳаётий вазиятларни акс эттириши лозим.

СИРҒАЛУВЧИ ВА ШОВҚИНЛИ (С, З, Ш, Ж, Ч) ТОВУШЛАРНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

«С» – жарангсиз тил олди товуши. «С» товушини талаффуз этишда артикуляция аъзолари қуйидаги ҳолатда бўлади: талаффуз вақтида лаблар илжайгансимон очиқ, пастки ва устки тишлар эса бир-бирига тегар-тегмас даражада яқин ҳолатда бўлади. Бунда, айниқса, пастки тишлар қаторининг олдинга чиқиб ёки ичкарига кириб кетишига йўл қўймаслик керак.

Тилнинг учи ёйилиб, тегар-тегмас ҳолатда бўлади, яъни тилнинг сатҳи билан қаттиқ танглай орасидаги масофа торайиб боради, юмшоқ танглай бир оз кўтарилади. Ҳаво оқими тил ва юқори милқдан сирғалиб чиқади ҳамда шовқин ҳосил қилади.

«З» – жарангли тил олди товуши. Бунда «с» товушининг артикуляция ҳолатига фақат овоз қўшилади.

«Ш» – шовқинли, сирғалувчи, жарангсиз, тил олди товуши. Бу то-

вушни талаффуз этаётганда лаблар бироз чўччаяди, юқори ва пастки тишлар бир-бирига жуда яқинлашади. Тил учи муаллақ ҳолатда бўлиб, салгина қисқаради ва ёзилиб тепа тишлар томон кўтарилади. Пастки жағ жипслашади. Тил учи ва тишлар оралигидан сирғалиб чиққан ҳаво тўлқини эса «ш» товушини ҳосил қилади.

«Ж» товуши ҳам юқорида баён этилган хусусиятларга эга бўлган жарангли ундош товушдир. Бу товушни талаффуз этаётганда пастки тишлар қатори бироз пастга туширилади. Тил учи танглай томон қайрилади ва титрайди.

«Ч» жарангсиз товуши ҳам жарангли «ж» товуши каби ҳосил бўлади. «Ч» товуши талаффуз этилаётганда лаблар бироз чўччаяди, тилнинг олдинги қисми милкка тегади. Лекин одатдаги портлаш юз бермайди ва оғиз бўшлиғига келган ҳаво сирғалиб чиқиб кетади. Тўлиқ бўлмаган ана шу портлаш ва ҳавонинг сирғалиб чиқиши натижасида қоришиқ (яъни икки хил усул иштирокида) «т-ш-ч» ундошлари ҳосил бўлади. Овоз пайчалари жипслашиб, ҳаво оқими кучли бўлади.

СИГМАТИЗМЛАР

Сигматизм юнонча сигма ҳарфининг номидан олинган. Сирғалувчи ва шовқинли (с, з, ш, ж, ч) товушларни нотўғри талаффуз қилиниши *сигматизм* деб аталади. Сирғалувчи товушларни шовқинли ёки бошқа товушларга алмаштириш эса *парасигматизм* дейилади.

СИГМАТИЗМ ТУРЛАРИ

Тиш ора сигматизм. Сирғалувчи ва шовқинли товушларни талаффуз этишда тилнинг учи юқори ва пастки тишларнинг орасида бўлади, бунинг натижасида сирғалувчи «с», «з» товушлари ўрнига «ш, ж» товушлари талаффуз этилади.

Лаб-тиш сигматизми. Сирғалувчи ва шовқинли товушлар «ф» ва «в» товушларига ўхшаб талаффуз қилинади. Бунда нутқ органлари қуйидаги ҳолатда бўлади:

Пастки лаб юқори тишларга томон кўтарилиб, ҳаво оқими йўлини торайтиради, тилнинг учи эса ёйилиб, юқори милкка тегар-тегмас ҳолатга келади. Бундай артикуляцион ҳолатда «ф, с, в, з» товуш элементларига эга бўлган товушлар ҳосил бўлиб, натижада ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган, қулоққа ёқимсиз товуш талаффузи эшитилади.

Тиш сигматизми. Сирғалувчи товушлар қуйидаги ҳолатда талаф-

фуз этилади: тилнинг учи юқори ва пастки тишларга тақалиб туради ва ҳаво оқимининг тишлар орасидан ўтишига тўсқинлик қилади. Агар «с» товуши аниқ эшитилмаса, зонд ёрдамида ёки гугурт чўпи билан тилнинг учини пастки тишлар орасига босиб туриб, айттириб кўрилади. Шунда «с» товуши аниқ талаффуз қилинади. Кейинчалик «с» товушига унли товушлар қўшиб талаффуз этилади.

Сирғалувчи товушлар талаффузида бўлган нуқсонлар шовқинли (ш, ж, ч) товушларда ҳам учраб туради.

Бундан ташқари, шовқинли товушлар сирғалувчи товушлар билан алмаштирилади. Масалан, «ш» товуши билан «с» товуши, «ж» товуши билан «з» товуши, «ч» товуши билан «с» товуши алмаштирилади. Бу нуқсонлар қуйидаги усуллар ёрдамида бартараф этилади.

«С» товуши аниқ, тўғри талаффуз эттирилгандан сўнг «з» товушини талаффуз этишга ўтилади. Бунда «с» товушига овоз қўшиб талаффуз қилиш таклиф қилинади.

Лаб-тиш сигматизмини бартараф этишда логопед болага («с» товуши талаффузида) лабларни «кулги» ҳолатига келтиришни таклиф этади (бунда милқлар кўриниши керак). Агар болабу машқни ўзибajarа олмаса, логопед ёрдам беради. Логопед боланинг пастки лабини бармоғи билан пастга тартади ва илжайишни буюриб туриб «с» товушини талаффуз қилдиради. Сўнгра «с» товуши унли товушлар билан қўшиб (зарур бўлса, бармоқ билан пастки лаб пастга тартиб турилади) талаффуз этилади, кейинчалик эса бу товуш механик суръатда талаффуз этиладиган бўлади.

Тиш сигматизмини бартараф қилишда логопед икки усулдан фойдаланиши мумкин:

1. Ҳаво оқимини юқorigи ва пастки тишлар орасидан чиқариш, бунда шпатель ёки гугурт чўпи ёрдамида тилнинг учини пастки тишнинг орқасига енгилгина босиб турилади ва ҳаво оқими чиқарилади.

2. Тилнинг учини кенг ёйиб, юқори ва пастки тишлар орасига олиш ва ҳаво оқимини чиқариш. Бунда ҳаво оқими тилнинг учига тегиб, «с» товушига ўхшаш «шипилловчи» товуш ҳосил бўлади. Сўнгра логопед шпатель учи ёки махсус зонд билан тилнинг учини енгилгина босиб, пастки тишнинг орқасига ўтказади ва болага ҳаво оқимини чиқариб, «с» товуши ҳосил қилишни айтади. Бу товуш бўғин, сўзларда мустаҳкамлангандан кейин, тил учи пастки тишлар орқасига туширилади ва аниқ «с» товуши ҳосил бўлади. Товуш, бўғин, сўзларни шеър ва эртакларни айттириш ва ҳикояларни ўқитиш орқали машқ қилдириб борилади.

Бурун сигматизмини бартараф этишда асосий эътибор ҳаво

оқимини оғиз бўшлиғидан ўтказишга қаратилади. Бунинг учун турли машқлардан фойдаланилади. Масалан, бурундан нафас олиб, оғиздан чиқариш, оғиз билан нафас олиш ва уни чиқаришда ёниб турган шамни пуфлаб ўчириш, пахта бўлакчаларига қараб пуфлаш, қоғоз парчалари ва патлар осилган «тожчаларга» пуфлаш. Ҳаво оқимини оғиздан чиқаришга эришилгандан сўнг юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида «с» товуши ҳосил қилинади.

Сирғалувчи ва шовқинли товушларнинг артикуляцияси тўғри йўлга қўйилгандан кейингина уларни мустаҳкамлаш, бир-биридан фарқлаб талаффуз қилишга ўтилади.

СИРҒАЛУВЧИ ТОВУШЛАРНИНГ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШ «С» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «С» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз, этинг.

са-са-са-сана
со-со-со-со-
су-су-су-сут
си-си-си-сим
сў-сў-сў-сўз

ас-ас-ас-нафас
ос-ос-ос-осмон
ус-ус-ус-уста
ис-ис-ис- иссиқ
ўс-ўс-ўс-ўсма

сим
со-
саъва
соқол
суяк
сандиқ
саодат
соябон

коса
уста
ўсма
осмон
саксон
Асад
Ҳасан
Хусан

товус
олмос
гилос
патнис
нафас
автобус
троллейбус
Аббос



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг ва ёзиб олинг.

Бу соат.
 Бу Юсуф.
 Бу сим.
 Бу Юнус Самадов.
 Бу Расул.
 Мен расм соламан.

Синфда Салима бор.
 Сувни исроф қилманг!
 Боғда саъва сайрайди.
 Уста стул ясади.
 Совуқ сув ичма!
 Иссиқ сут ич!

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Менинг Исми Салима.
 Сенинг исминг Салима.
 Унинг исми Салима.

Бизнинг исмимиз Салима.
 Сизнинг исмингиз Салима.
 Уларнинг исми Салима.

Мен стул сотиб олдим.
 Мен автобусда Саидани кўрдим.
 Мен сотувчи бўламан.

Куйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг.

1. Қайси транспортнинг номида «с» товуши бор?
2. Қайси меваларнинг номида «с» товуши бор?
3. Қайси уй жиҳозларининг номида «с» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «с» товуши бор?
5. Қайси касбларнинг номида «с» товуши бор?
6. Қайси қушларнинг номида «с» товуши бор?
7. Қайси сабзавотларнинг номида «с» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: редиска, сабзи, сигир, стол, стул, велосипед, санъаткор, арслон, троллейбус, автобус, гилос, йўлбарс, то-вус, синчалак, бастакор.

Топишмоқлар

Саккиз оёқ чирмовуқ,
Саноғи йўқ сўргичлар.
Кўзи лўқ, боши думалоқ.
Сувда яшар у хумпар.

(Саккизоёқ)



Борар текис эгатдан,
Бармоқлари пўлатдан.
Елкасида қопи бор,
Катта темир саватдан.
(Пaxта териш машинаси)

Тез айтишлар

Ҳалимани санама, Салимани сана.
Содиқ сочиққа сочини артдими,


Сочиққа Содиқ сочини артдими?
Учта соатсоз, уста соз, учта соат оз.

Содиқ Салимга соат бердими,
Оқ пилла, сариқ пилла, пилла эмас асл тилла.
Салим Содиққа соат бердими?

Саъва саҳар сайрайди,
Салқин боғда яйрайди.

Саида сабзини
Саватга санаб солди.

931749



Мақоллар

Сув қатраси – дур қатраси.

Салобатли бўлма, саводли бўл.

Дастурхонга боққан дўст эмас.
тир.

Кучли бўлай десанг – дўст орт-

Эшик очиқ бўлса ҳам сўраб кир. Санамай саккиз дема.

«С» ТОВУШИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ШЕЪРЛАР

Санобар сочларини тарайди,
Силлиқ қилиб эрталаб,
Синглисига қарайди,
Ўргатади битталаб.

Сабзи нечук сарғаяр?
Севара ўйга толар.
Саноқдан адашмасдан
Саватга санаб солар.



САРИМСОҚ

И. Дониш.



Саримсоқман, саримсоқ
Доим менинг таним соғ.
Сал ҳиди бор демасанг,
Кўп эмас, оз-оз есанг,
Гўёки сув, ҳавоман,
Минг бир дардга давоман.

«С» товуши аниқ, тўғри талаффуз қилингандан сўнг «з» товушини талаффуз қилишга ўргатилади. Бунда «с» товушига овоз қўшиб талаффуз қилиш таклиф этилади.

«З» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

«З» товушини ҳосил қилиш учун худди «с» товуши артикуляцияси-ни ҳосил қилгани каби товуш билан машқ бажарилади.

Масалан, чивиннинг учишига тақлид қилиб, з-з-з-з талаффуз қилинади, сўнг бўғинда, сўзда ва гапларда мустаҳкамланади.

♦ «З» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этина.

за-за-за-зах
зо-зо-зо-зор
зу-зу-зу-зулм
зи-зи-зи-зира
зў-зў-зў-зўр

аз-аз-аз-газ
оз-оз-оз-ғоз
уз-уз-уз-туз
из-из-из-азиз
ўз-ўз-ўз-кўз

зал
зах
зор
зулм
зина
Зайнаб
Замира
Зокир

кўза
гулзор
узум
занжир
узук
ғўза
қозиқ
дазмол

Зумрад
қоғоз
тарвуз
пиёз
ялпиз
паровоз
ҳовуз
майиз

♦ Расмлар номини тўғри талаффуз этинг.



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Зайнаб ёзяпти.
Поезд кўзгалди.
Биз тинчлик қўшиғини куйлаймиз.
Биз ўз Ватанимизни севамиз.

Қушлар – бизнинг дўстимиз.
Зоҳид секин сўзлади.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен узум уздим.

Сен узум уздинг.

У узум узди.

Биз узум уздик.

Сиз узум уздингиз.

Улар узум уздилар.

Мен зағизгонни зўрға ушладим.

Мен механизатор бўламан.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қайси транспортнинг номида « з » товуши бор?
2. Қайси касбларнинг номида «з» товуши бор?
3. Қайси ҳайвонларнинг номида «з» товуши бор?
4. Қайси сабзавотларнинг номида «з» товуши бор?
5. Қайси меваларнинг номида «з» товуши бор?
6. Қайси идишларнинг номида «з» товуши бор?
7. Қайси паррандаларнинг номида «з» товуши бор?
8. Қайси ўғил болаларнинг номида «з» товуши бор?
9. Қайси қизларнинг номида «з» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: булдозер, поезд, узум, сабзи, пиёз, қозон, заргар, ёзувчи, Зумрад, Зарифа, Зокир, зебра, хўроз, ғоз, Зоҳид, Азамат, Азиза.

Топишмоқлар

Узундан узоқ,
Ҳавога тузоқ.
(Тутун)

Ўзи битта,
Қулоғи тўртта.
(Қозон)

Зар гилам, заргар гилам,
Қўтарай десам, оғир гилам.
(Ер)

Зув-зув борар,
Зув-зув келар,
Достон ўқир,
Ғалвир тўқир.
(Ари)

Тез айтишлар

Узук кўзи бузуқми,

Тубсиз дёнгиз дёдингизми,

Узук кўзи тузукми?

Денгиз тенгсиз дедингизми?

Зағча золдир топибди,
Зарғалдоққа чопибди.

Рамиз, Термизда
термосга қимиз қуйиб оламиз.

Мақоллар

Оз сўзла – соз сўзла.

Излаганга зафар ёр.

Ўзи юзсиз, сўзи тузсиз.

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Юзга айтганнинг захри йўқ.

Оталар сўзи – ақлнинг кўзи.

Шеърлар

Султон Жабборов.

Зарғалдоқ боғдан келди,
Зағизғон тоғдан келди.
Зафар – зебра, от бўлди Зеби,
Зухра шод бўлди.

Яйловда бир бузоқча,
Кетиб қолиб узоққа,
Аразлабди тўдадан,
Адашибди тўдадан.

«ҚҰНҒИЗ НИМА ДЕЙДИ?»

Тиллақўнғиз
Дейди «ғиз, ғиз».
Қўйвор мени,
Ишим тиғиз.

Олим Қўчқорбеков.
Бировга сен
Берма озор,
Бекорчидан,
Эл ҳам безор.

САБЗИ

Таништириб ўзини.
Сабзи бошлар сўзини:
Қизил, сариқ рангдамиз,
Енгилмаймиз жангда биз.

Асом Зиёматов.
Ер остида уйимиз,
Доим фикру ўйимиз.
Одамларга бериб наф,
Қозонда турсак қайнаб.

СИРҒАЛУВЧИ «С – З» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ Қуйидаги бўгин ва сўзларни аниқ талаффуз этинг:

ос-оз
ис-из
сол-зол
сира-зира

сим-зим
сир-зир
сиёҳ-зиё
қарс-қарз

сийрак-зийрак
сомон-замон
силсила-зилзила
сафар-зафар



♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг:

...ават	...амон
...аломат	...анг
...авдо	...ўр
...аза	...ира

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен синглимга зирак олиб келдим.
Биз синглимизга зирак олиб келдик.
Сен синглингага зирак олиб келдинг.
Сиз синглингизга зирак олиб келдингиз.
У синглисига зирак олиб келди.
Улар сингилларига зирак олиб келдилар.

Мен синфдан Зарифани чақирдим.
Мен ёзда Чинозга бордим.
Мен соат саккизда тураман.
Мен куз фаслини севаман.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг:

Куз фаслида дарахтларнинг барглари ..арғаяди.
Сийрак экилган пиё.. тез етилади.
Би.. танаффу..дан тўғри фойдаланамиз.
Эрталаб бир о.. ..овуқ бўлди.
Ҳозир Нарги..а иккинчи ..инфда ўқийди.
..одик ру..ча сў..лашни билади.

Қуйидаги саволларга тулиқ жавоб беринг:

1. Поезд қаерга келиб тўхтади?
2. Сабзи, пиёз, картошка, карам, шолғомларни бир сўз билан нима деб атаيمиз?
3. Қайси ҳайвонлар номида «с» ва «з» товушлари бор?
4. Қайси рангларнинг номида «с» ва «з» товушлари бор?
5. Қайси исмларда «с» ва «з» товушлари бор?

Текшириш учун сўзлар: сабзавот, вокзал, Салима, Соҳиба, Сайёра, Зарифа, Зайнаб, Зокир, Собир, Наргиза, Дилноза, арслон, зебра, сигир, зангори, сариқ, қизил.

Топишмоқлар

Олтин қозиқ ер остида,
Кўк арқони ер устида.
(Сабзи)



Ўтда ёнмайди,
Сувга ботмайди.
(Муз)



Ўйиб олдим ўрни йўқ.
(Сув)



Биздан доим нон кутиб,
Оғзин очиб туради,
Сават-сават нон тутсак,
У пишириб беради.
(Тандир)



Бурасангиз қулоғин,
Кумуш каби дур сочар,
Тоза қилиб танангиз,
Баҳри дилингиз очар.
(Душ)



Тез айтишлар

Занг босганга ранг юқмас, ранг юққанни занг бўлмас.

Солиҳа, Соҳиба, Зоҳира, Зоҳида саҳифани синчиклаб ўқидими,
Зоҳида, Зоҳира, Соҳиба, Солиҳа саҳифани синчиклаб ўқидими?

«С – З» ТОВУШЛАРИНИ ШЕЪРЛАР ЁРДАМИДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ФАРҚЛАШ



СУМАЛАК

Асом Зиёматов.

Бувим қозон бошида,
Бу йил саксон ёшида.
Сумалакка бош бўлди,
Кўнглим қувончга тўлди.
Қимдир ўтин ёрмоқда,
Ўчоқда ўт ёнмоқда.
Бувим қовлар қозонни,
Мўлжаллаб тонг – азонни.
Ўртада ширин суҳбат,

Бир-бирига зўр ҳурмат.
Қозон тонгда очилди,
Меҳмонларга сузилди.
Роҳат қилиб ейишди,
Ширин экан дейишди...

ҚАНИ ТОПИНГ-ЧИ!

Қуддус Муҳаммадий.

Ҳил-ҳил пишиб
Оқ шафтоли,
Шохда турар
Тоқ шафтоли.
Усмон тўртта

Еди кеча.
Ойим менга
Берди бешта.
Қани, топинг,
Бари нечта?

МАШИНАМ

Ғиз-ғиз учар машинам,
Виз-виз учар машинам.
Винтини бураб қўйсам,
Тез-тез учар машинам.
Дадам келтирган уни,
Ўйнасин деб ҳар куни.
Боғчамга бирга борар,

Бўлақолсайдим катта,
Шофёр бўлгум албатта.
Қизил чироқ ёнганда,
Тўхтаб қоламан шартта.
Виз-виз учар машинам,
Ғиз-ғиз учар машинам!
Ташийман уни-бун.

«Ш» ШОВҚИНЛИ ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ

«Ш» товушини ҳосил қилиш учун тақлид усулларида фойдаланиш керак. Бу усул натижа бермаса, механик усулдан фойдаланиш лозим. Бунда болага «с» товушини айттириб, шу вақтнинг ўзида зонд ёки шпател ёрдамида тил бироз юқорига кўтарилиб, орқага итарилади. Бунда «с» ўрнига «ш» товуши, «з» ўрнига «ж» товуши ҳосил бўлади. Бир неча бор механик усул ёрдамида товуш ҳосил қилингандан сўнг, мустақил талаффуз этишга ўтилади. Бундай машқлар бўғинлар, сўзлар, расмлар, шеър, ҳикоялар айттириш ёрдамида амалга оширилади.

«Ш» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИГА ОИД МАШҚЛАР

Ша-ша-ша-шамол
Шо-шо-шо-шоли
Шу-шу-шу-шуъла
Ши-ши-ши-шим
Шў-шў-шў-шўх

аш-аш-аш-машқ
ош-ош-ош-мош
уш-уш-уш-душ
иш-иш-иш-тиш
ўш-ўш-ўш-бўш

шам
шар
шамол
шиша
шолғом
шафтоли
шакар
Шоиста

эшик
теша
бешик
қошиқ
мушук
шашка
мош
машина

тиш
қиш
бош
идиш
бойқуш
хамиртуруш
тош
қош

♦ Расмлар номини тўғри талаффуз этинг.



♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен ош пиширдим.
Сен ош пиширдинг.
У ош пиширди.

Биз ош пиширдик.
Сиз ош пиширдингиз.
Улар ош пиширдилар.

Мен Тошкент шаҳрида яшайман.
Мен машинани яхши кўраман.
Мен шахмат, шашка мусобақасида қатнашдим.

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Шамол кўзғалди.
Яшил япроқ.
Тошкент азим шаҳар.
Шоиста беш ёшда.

Шавкатга шар олиб келишди.
Ётиш олдидан тишингни юв.
Қиш. Оппоқ қор ёға бошлади.
Машиналар ишни енгиллаштиради.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортнинг номида «ш» товуши бор?
2. Қайси ҳайвонларнинг номида «ш» товуши бор?
3. Қайси уй ҳиҳозларининг номида «ш» товуши бор?
4. Қайси сабзавотларнинг номида «ш» товуши бор?
5. Қайси меваларнинг номида «ш» товуши бор?
6. Қайси касбларнинг номида «ш» товуши бор?
7. Қайси кийимларнинг номида «ш» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: машина, шафтоли, шкаф, мушук, шолғом, картошка, қошиқ, шифокор, шим, эшак, шуба.

Топишмоқлар

Қўл-оёғи йўқ, эшик очар.
(Шамол)

Узун терак,
Ичи ковак.
(Қамиш)



Ўзи ширин, туклигина,
Мазаси ҳам тотлигина.
(Шафтоли)



Тез айтишлар

Кишмиш еган кишининг
Тиши қамашмасмиш.

Шавкат қайга шошади,
Шавлани шошиб очади.

Ёш мушук – мош мушук.
Мош мушук – ёш мушук.

Мақоллар

Халқ иши – ҳақ иши.

Иш иштаҳа очар,
дангаса ишдан қочар.

Ўқиган ўқдан ошар.

Учишга қанот керак,
ўқишга – тоқат.

Йигит кишига етмиш ҳунар оз.

Ўқиш бошқа, ўқиш бошқа.

КҮКЛАМ ҚҶШИҒИ

Момақалдироқ
Арава қўшиб,
Тоғлар устидан
Келмоқда тушиб.

Тоғ қулагандай
Бўлди овози,
Жаранглаб кетди
Ёмғирнинг сози.

Ёмғир ёмқода
Шитир-шитирлаб,
Кўклам қўшиғин
Айтар шивирлаб.

«С – Ш» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ Қуйидаги бугин ва сўзларни аниқ талаффуз этинг:

са-ша
со-шо
си-ши
су-шу
сў-шў

ас-аш
ос-ош
ис-иш
ус-уш
ўс-ўш

ша-ша-ша
со-со-со
са-са-са
шо-шо-шо
шў-шў-шў

бос-бош,

мос-мош,

соли-шоли,

касб-кашф

мос-мош
мис-миш
тос-тош

касб-кашф
товус-товуш
тус-туш

тасма-ташна
сарпа-шарпа
Қосим-Ҳошим

сода-шода
сўри-шўри
товус-ковуш



♦ Тугунлилар уртиси перапти ҳарфлиарти қуйида уйлиб.

..амол
то..бақа
тим..оҳ
..акар

беқа..ам
ке..ак
о..хона
..ашка

ма..ина
о..паз
тову..
те..а

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Сигирни ким соғади?
2. Сичқонни қайси ҳайвон тутади?
3. Усти қора, ичи қизил оёқ кийимининг номи нима?
4. Суюқ овқат сузиладиган идишнинг номи нима?

Текшириш учун сўзлар: соғувчи, мушук, калиш, коса.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

*Мен рус тилидан «5» баҳо олдим.
Биз рус тилдан «5» баҳо олдик.*

Сен рус тилидан «5» баҳо олдинг.
Сиз рус тилидан «5» баҳо олдингиз.
У рус тилидан «5» баҳо олди.
Улар рус тилидан «5» баҳо олдилар.

Мен сабзавотларни яхши кўраман.
Мен гулларга сув қуйдим.
Мен Тошкентдан Москвага самолётда учдим.

♦ *Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб ўқинг:*

Қуёш тоғлар ора..идан секин кўтарилди.
Боғча ҳовли..ида Ма..курани кўрдим.
Ма..тура кампирнинг қўлидан у..лаб йўлдан ўтказди.
Қуё.. атрофга нур ..очди.

♦ *Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб ёзинг.*

... ёритади ва иситади. Мен шеър ўқишни ...
... — Ўзбекистоннинг пойтахти. Абдурашид... қатнашди.
Қишнинг ... шамоли нинадай қадалади.

Текшириш учун сўзлар: қуёш, севаман, Тошкент, мусобақага, совуқ.

Топишмоқлар



Аслим тупроқ бўламан,
Пишгач кучга тўламан,
Рангим сариқ, қизғиш, оқ,
Қурувчига мен ўртоқ.
(ғишт)



Тилла сандиқ очилди,
Ичидан зар сочилди.
(Қуёш).



* * *
Пиширсанг, ош бўлур,
Пиширмасанг, қуш бўлур.
(Тухум)

* * *
Ранги оқ-у қор эмас,
Ўзи юмшоқ, пар эмас.
(Пахта)

Тез айтишлар

Тешабоп соп, қопда сероб.

* * *
Нон ясашамизми, шоли санашасизми?

* * *
Саҳарлаб шаҳардан ҳашарга бордим.
Шаҳардан ҳашарга саҳарлаб бордим.

Мақоллар

Яхши гап дил давоси.

* * *
Яхшилик ерда қолмас.

Билишни истасанг,
Сўрашдан тортинма.

* * *
Шогирдсиз устоз – мевасиз дарахт.

ОНА ҲУРМАТИ

Қ. Муҳаммадий.

Она сўзи – бу жуда улуғ ном,
Она бош боғбон, она ҳам посбон.
Она – депутат, она – министр,
Она – ҳунарманд, ҳар ишга қодир.
Онамиз – Ватан шараф ва шони,
Онамиз – тинчлик пўлат қўрғони.

Онанинг бизда чексиз фаҳри бор,
Оналар бизда озод, бахтиёр.

«Ж» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

«Ж» товушининг талаффузиди йўлга қўйиш учун «ш» товушидан унга овоз бериб, талаффуз эттириш йўли билан ҳосил қилинади, айтиш вақтида ҳаво оқими кучсизроқ бўлади.

♦ «Ж» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этиш.

жа-жа-жа-жаз	жи-жи-жи-жизза	
жо-жо-жо-жой	жў-жў-жў-жўжа	
жайрон	жўжа	жигар
жаннат	жиблажибон	тожи
жавоб	жадвал	маржон
жонажон	жийда	Комилжон



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Жиблажибон жажжи қуш.

Журъат қўп ўқийди.

Жамила жуда одобли қиз.

Жаҳонгир тўғри жавоб берди.

Биз маккажўхори экдик.

Машина ишни жуда тез бажаради.

Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «ж» товуши бор?

2. Қайси уй жиҳозларининг номида «ж» товуши бор?

3. Қайси ҳайвонларнинг номида «ж» товуши бор?

4. Қайси сабзавотларнинг номида «ж» товуши бор?

5. Қайси меваларнинг номида «ж» товуши бор?

6. Қайси гулларнинг номида «ж» товуши бор?

7. Қайси ошхона анжомларининг номида «ж» товуши бор?

8. Қайси касбларнинг номида «ж» товуши бор?

9. Қайси паррандаларнинг номида «ж» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: анжир, жўжа, жайрон, жийда, тижоратчи, гултожихўроз, бақлажон, жавон, жўва, жўмрак, журналист, жигули, мажнунтол.

Топишмоқлар

Ўзи ичкарида, соқоли ташқарида.

(Жўхори)

Дум-думалоқ, жажжи ой,

Бир қоп ун,

Чақиб есанг ғиж-ғиж мой.

Ичида устун.

(Ёнғоқ)

(Жийда)

Тез айтишлар

Жўжа чўчиб гўжа чўқир.

Жиблажибон жажжи жўжа билан жўра,

жажжи жўжа жиблажибон билан жўра.

Мақоллар

Жаҳл – душман, Ақл – дўст.

* * *

Жадал бажарган – орзуга етар.

«Ш – Ж» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

Қуйидаги бўғин ва сўзларни аниқ талаффуз қилинг:

ша-жа	шам-жам	ша-ша-ша
шо-жо	шим-жим	жа-жа-жа
ши-жи	шўрва-жўва	шу-шу-шу
шу-жу	шинни-жинни	жу-жу-жу
жу-жу-жу	шонли-жонли	ши-ши-ши
		жи-жи-жи

Шамол – Жамол
Шамши – Жамшид
Шаҳд – жаҳд

◆ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...акар бақла...он боли...

...адвал то...бақа то...

...оли бе...ик то...

...ала ан...ир гара...

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси меваларнинг номида «ж» ва «ш» товушлари бор?
2. Қайси ҳайвонларнинг номида «ж» ва «ш» товушлари бор?
3. Қайси кийимларнинг номида «ж» ва «ш» товушлари бор?
4. Қайси исмларда «ж» ва «ш» товушлари бор?

Текшириш учун сўзлар: анжир, шафтоли, жемпер, шим, • Журъат, Жаҳонгир, Шаҳло, Шухрат, жайрон, эшак, жирафа.

◆ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен Тошкентда Жамила билан танишдим.

Сен Тошкентда Жамила билан танишдинг.

У Тошкентда Жамила билан танишди.

Биз Тошкентда Жамила билан танишдик.

Сиз Тошкентда Жамила билан танишдингиз.

Улар Тошкентда Жамила билан танишдилар.

Мен жўжаларга дон сепдим.
Мен Жамолга шафтоли бердим.
Мен Шоирага журнал бердим.

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Шаҳлога жемпер олишди.
Жасур яхши ўқийди.
Жўра жуда яхши бола.
Шавкат дарсларни қунт билан бажаради.
Шўҳрат тўғри жавоб берди.
Шоира жўжаларга дон сепди. Шкаф ичида журнал бор.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Кўчада ма...ина жуда кўп.
Узум ...уда ширин.
Эрга... вазифани бажарди.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Жафар..... жавобини топди. Биз... шаҳрида турамиз.
Эпчил бола ишни тез ва пишиқ Тожихон опа ... ишчан.

Текшириш учун сўзлар: топишмоқ, Шўҳрат, жуда, Андижон, бажаради.



Топишмоқлар

Отаси букри хўжа,
Онаси япалоқ ойим,
Боласи ширин-шакар.
(Узум)

Қатор-қатор тош тердим,
Жайрончани бўш қўйдим.
(Тиш, тил,)



Тез айтишлар

Шамши Жамшидга шаъма қилдими,
Жамшид Шамшига шаъма қилдими?

* * *

Шожалил тушидан шижоати жўшиб турибдими
ёки тушида чўчиб турибдими?

Мақоллар

Яхши дўстдан ажралиш,
Икки кўздан ажралиш.
Яхши режа – иш йўриғи.

Ўз жойида лайча ҳам шер.
Ён қўшни – жон қўшни.

Шеърлар

Туроб Тўла.

ҚУШЛАРЖОН

Пир-пир учар қушларжон,
Вақтни хушлар қушларжон.
Оқшом чоғи бизлардай,
Уйга шошар қушларжон.



Бошим эгик Мажнунтолман,
Мажнунтол.
Дам олсангиз соямда,
Мен сизлардан мамнун тол.



«Ч» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИГА ОИД МАШҚЛАР

Қоришиқ «ч» товушини ҳосил қилиш учун логопед боланинг тили остига шпател ёки зонд қўйиб, унга «ат» бўғинини талаффуз этишни таклиф этади. Талаффуз пайтида тилни юқорига кўтаради. Шунда «ат» бўғини ўрнига «ач» бўғини эшитилади. Бу машқбир неча бор такрорлангач, «ч» товуши ҳосил бўлади, сўнгра мустақил талаффуз қилишга ўтилади. «Ч» товушини, аввало, ёпиқ бўғинларда: ач-уч-оч-ўч-ич. Кейин очиқ бўғинларда, шундан кейингина сўзлар, шеърлар, ҳикоялар ёрдамида мустаҳкамлаш тавсия этилади.

♦ «Ч» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ча-ча-ча-чап	ач-ач-ач-аччиқ
чо-чо-чо-чой	оч-оч-оч-соч
чи-чи-чи-чигит	ич-ич-ич-боғич
чў-чў-чў-чўян	ўч-ўч-ўч-кўч
чу-чу-чу-чумоли	уч-уч-уч-куч

чапак	чечак	сўрғич
чайла	чашма	сақич
чақмоқ	сичқон	тўғноғич
чивин	сувчи	қалдирғоч
чевар	кўчат	арғимчоқ
челак	ўрдакча	чизғич
чойнак	арча	туғмача
чироқ	кўча	ўйинчоқ



Қуйидаги гапларни ўқинг:

Арча катта ва чиройли.
Қўнғироқ чалинди.
Чақмоқ чақди.
Биз тинчлик истаймиз.

Қалдирғоч учиб келди.
Болалар чана учмоқдалар.
Асака чиройли шаҳар.

Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен чой ичдим.
Сен чой ичдинг.
Сиз чой ичдингиз.

Биз чой ичдик.
У чой ичди.
Улар чой ичдилар,

Мен почтага хат ташладим.
Мен чана учдим.
Мен кичкина қўнғироқчани чалдим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси дарахтларнинг номида «ч» товуши бор?
2. Қайси ҳашаротларнинг номида «ч» товуши бор?
3. Қайси меваларнинг номида «ч» товуши бор?
4. Қайси гулларнинг номида «ч» товуши бор?
5. Қайси идишларнинг номида «ч» товуши бор?
6. Қайси касбларнинг номида «ч» товуши бор?
7. Қайси қушларнинг номида «ч» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: арча, олча, чиннигул, чумчуқ, пичоқ, учувчи, бичувчи, чўмич, қалдирғоч, қайрағоч, чумоли, чивин, чувалчанг.

Топишмоқлар



Чаён эмас, чақагон,
Қуш эмас, учагон,
Эрта-ю кеч ўзини,
Виз-визлаб мақтаб қоғон.

(Ари)



Тоғда, боғда яшайди,
Қишин-ёзин яшнайди.

(Арча)

Чин қушим, чинни қушим,
Чин тепага кўнди қушим.
Тумшуғини ерга эгиб,
Халққа салом берди қушим.

(Самовар)



Тез айтишлар

Оқ чойнакка оқ қопқоқ,
Кўк чойнакка кўк қопқоқ.

Чархчи чархлар,
Қайчи ярқирар.

Чумчуқ чириллайсан,
Чарчамоқни билмайсан.

Чамамда чаманда
Чирманда чалдим.

Мақоллар

Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас.	Илм – ақл чироғи.
Чақирса ишдан қочма,	Етти ўлчаб, бир кес!
Рухсатсиз эшик очма.	Орзуга айб йўқ.



Шеърлар

ЧИТТАК

Ш. Саъдулла

Мен қушчаман кичкина,
Тилларим чучуккина.
Олачипор қанотим,
Билсангиз читтак отим.

ЧИҚ-ЧИҚ-ЧИҚ

Соатим чиқ-чиқ,
Саккиз бўлдимми, қаранг?
Саккизта урди жаранг!
Чиқ-чиқ-чиқ.
Соатим чиқ-чиқ,
Вақтида ета қолай.
Чиқ-чиқ-чиқ,
Соатим чиқ-чиқ.

БОЙЧЕЧАК

У ҳам кўклам элчиси,
Чакканга тақ, чакканга.
Кумуш тонгда очилди.
Чирой қўшиб ўлкамга.

У очилди тонг чоғида.
Эрка чечак, ой чечак
Бойчечак деб атадилар,
Гуллар ичра келинчак.

«С – Ч» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ Қуйидаги бўғин ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

са-ча

со-чо

су-чу

су-чу

са-са-са

ча-ча-ча

со-со-со

чо-чо-чо

су-су-су

чу-чу-чу



♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...инор

до...тон

й...тиқ

...оқчи

пў...тин

...ўян

...умоли

Ол...и

А...ад

...оҳил

а...кар

мах...и

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Расмни ким чизади?
2. Кузнинг биринчи ойи қайси ой?
3. Мактабда кимлар ўқийди?
4. Кийимларни ким тикади?

Текшириш учун сўзлар: рассом, сентябр, ўқувчилар, чевар.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен синфда аълочи ўқувчиман. Биз синфда аълочи ўқувчимиз.
 Сен синфда аълочи ўқувчисан. Сиз синфда аълочи ўқувчисиз.
 У синфда аълочи ўқувчи. Улар синфда аълочи ўқувчилар.

Мен полизчилик бригадасига аъзман.
 Мен паррандачилик фермасига бордим.

- ♦ Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Мирзачўл асло ... ўхшамайди.
Акани ... синфда ўқийди.
Югуриш бўйича ... бўлди.
Ҳасан ва Ҳусан биринчи... ўқишади.
Собирнинг Тўрткўз деган ... бор.

Текшириш учун сўзлар: синфда, кучуги, чўлга, еттинчи, мусобақа.

Топишмоқлар

Бели хипча қора от,	Кичкина митти,
Тоққа чиқса тоймайди,	Қўлимга олсам,
Тошқин бўлса ботмайди.	Қовурғаси синиб кетди.
(Чумоли)	(Чивин)

Тез айтишлар

Човли симдан, човгум мисдан.

* * *

Қайсар ноғора қанча саваламасанг ўзиникини такрорлайди.

* * *

Олган ўроғим ўтмас, ўт ўрса ҳам ҳеч кесмас.

Мақоллар

Дўстлик барча бойликдан афзал. Дўст – дўстнинг таянчи.

* * *

Бирлашган куч енгилмас.

Шеърлар

ТИНЧЛИК БОҒИ

Туроб Тўла.

Мактабимиз боғида,
Қўл ушлашиб ўйнаймиз.
Азиз Ватанимизга,
Қўшиқ тўқиб куйлаймиз.

Боғимиз ариғидан,
Сув ўтар ўйнаб-ўйнаб.
Озод кўчат экади,
Ушлаб туради Зайнаб.

Ўзимиз кўчат экиб,
Биз ўзимиз сув қўйдик.
Боғимизнинг номини,
«Тинчлик боғи» деб қўйдик



тўп

Зафар Диёр

Тўпим, тўп-тўп этасан,
Урсам учиб кетасан.
Ҳаволаниб нарига,
Дўстларимга етасан.

Сенга сира тўймайман,

Бўш эканман қўймайман,

Овунчоғим, – деб сени

Дўстларим-ла ўйнайман.



Ўйнатасан кўзимни,
Ҳовлиқтириб ўзимни.
Бироз кўпроқ ўйнасам,
Терлатасан юзимни.
Тўпим, тўп-тўп этасан,
Урсам учиб кетасан,
Ҳандалакдек юмалаб,
Бизни хурсанд этасан.

УЧ ТУЛКИ

{Ўзбек халқ эртаги}

Қашқа номли бир қуён бор экан. Бир куни у эшагига минибди-да, хўтигини эргаштириб, чангалзор орқасида яшайдиган холасиникига кетибди.

Арик лабида қум ўйнаб ўтирган қуёнчалар: «Чангалзор қўрқинчли, ёлғиз борма!» – дейишибди. Қашқа кўнмабди.

Кун қизиган, туш пайти экан. Шўх хўтик бошидаги попукларини силкитиб, дикирлар, бўйнидаги қўнғироғи ҳадеб жиринглар экан. Чангалзор хилват экан.

Чангалзорда ота, она ва бола тулкилар яшар экан.

Қўнғироқ овозини эшитиб, уларнинг қулоқлари диккайибди.

– Қайсар қашқа келяпти, – дебди бола тулки.

– Адабини берамиз, – дебди она тулки, – мен эшагини олиб қочаман.

– Мен хўтигини олиб қочаман – дебди ота тулки.

– Мен кийимларини, – дебди бола тулки.

Қашқа чангалзорнинг қоқ ўртасига етибди ва эшакни ҳайдаб олдинда бораверибди, чарчаган хўтик эса анча кейинда қолиб кетибди. Қашқа ортига қарайвериб бўйни оғрибди ва «хут-хут-хут» деявериб-чарчабди.

У қўнғироқ жиринглаяпти-ку, хўтик келяпти-да, деб ўйлабди. Кейин бемалол кетаверибди.

Буни кўрган ота тулки аста келиб хўтиқдан қўнғироқни ечиб олибди-да, эшакнинг думига боғлаб қўйибди. Кейин хўтиқни олиб қочибди.



Муюлишда дарахтлар орасида бирдан ота тулки пайдо бўлиб:

– Ҳой, қуёнча, ёлғиз ўзинг қаёққа кетаяпсан? – деб сўрабди. Қашқа шартта қайрилиб қараса, ҳўтик йўқ.

– Вой ҳўтиқинам, – деб бирдан йиғлаб юборибди.

– Йиғлама, – дебди она тулки ва эшакка миниб қочиб кетибди. Қашқа ҳўтиқни тополмай қуруқ қайтиб келибди. Қараса, эшаги йўқ. Бирдан қўрқиб кетибди. «Энди ўзимни ҳам ўғирлаб кетмасалар эди...», – деб ўйлабди у. Қашқа чопқиллаб кетаётган экан, кўл лабида йиғлаб ўтирган жажжигина бола тулкига йўлиқибди.

– Эй, биродар, – дебди бола тулки, – шўрим қуриди. Бозорга бораётган эдим, бир ҳамён олтиним сувга тушиб кетди, энди нима қиламан. Отам ўлдиради...

– Йиғлама, – дебди Қашқа унга раҳми келиб.

– Сузишни билсанг, олиб чиқиб бер. Юз тангасини сенга бераман, – дебди бола тулки. Қашқа ўйлабди: «Эшак билан ҳўтиқнинг баҳоси юз танга турса керак, бунга эшак сотиб олсам бўлади...»

– Бўпти, – депти Қашқа, ҳаш-паш дегунча кийим-бошини ечиб ўзини сувга ташлабди.

Муродга етдим деб кулибди бола тулки.

Қашқа ҳамённи тополмай чиқса, кўл лабида бола тулки ҳам йўқ эмиш.

Шу-шу Қашқа ҳеч қачон чангалзорда ёлғиз юрмайдиган бўлибди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

«Л», «Р» СОНОР ТОВУШЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

«Л» товуши сонор, сирғалувчи, тил олди ундош товушидир. «Л» товуши талаффуз этилганда артикуляция органлари қуйидаги ҳолатда бўлади:

Лаб ундош товушидан сўнг келади ла ла, ло ло, лу лу, ли ли, ле ле унли товуш ҳолатини олади.

Тил учи юқорига кўтарилиб, алвеолаларга қаттиқ тегади ва бироз зарб билан пастга тушади.

Тилнинг ўрта қисми ёй шаклига киради.

Тилнинг орқа қисми эса бироз юқорига кўтарилади.

Танглай пардаси юқорига кўтарилганлиги учун ҳаво оқими бурунга ўта олмайди.

Овоз пайчалари жипслашган ҳолатда бўлади.

Талаффуз вақтида «л» товуши ҳосил бўлмаса, бу ҳолат ламбдацизм деб аталади.

Талаффуз вақтида «л» товуши бошқа товушлар билан алмашса, бундай ҳолатни параламбдацизм деб аталади. Параламбдацизмда қуйидаги алмашиниш юз беради:

«Л» товуши «р» товуши билан алмашинади (лента – рента, қалам – карам, ол – ор);

«Л» товуши «в» товуши билан алмашинади (лой-вой, бола-бова, Мутал-Мутав);

«Л» товуши «й» товуши билан алмашинади (лампа – ямпа, болта – бойта, тол – той); (лўнда – йўнда, булбул – буйбуй).

ЛАМБДАЦИЗМНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

1-усул. Логопед бола билан бирга ойна олдига ўтириб, унга тилни ясси ҳолатда юқори ва пастки тишлар орасига олишини ҳамда тил учини енгилгина тишлаган ҳолатда овоз чиқаришни таклиф этади. Бунда «л» товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Бундай машқ аниқ ва равшан «л» товуши ҳосил бўлмагунча такрорланади. «Л» товуши аниқ талаффуз этилгандан сўнг тилни юқори тиш алвеолалари томон кўтарилиб, «л» товушини тўғри артикуляция ҳолатида талаффуз этишга ўргатилади ва у бўғинларни, сўзларни, шеър, ҳикояларни айтириш ёрдамида мустаҳкамлаб борилади.

2-усул. Юқорида баён этилган биринчи усул натижа бермаса, иккинчи усул қўлланилади. Бунда логопед болага тилни янада ясси ҳолатга келтириб, тишлар орасига олишни ва тил учини енгилгина тишлаб, «и» товушини талаффуз этишни таклиф этади. Ана шунда «л» товуши ҳосил бўлади. «Л» товуши шу усулда мустақил ҳосил бўлганидан кейин логопед болаларга тилни юқорига, тишлар орасига олиб, «л» деб айтишни таклиф этади. Шу машқлар натижа берганидан кейингина «л» товуши бўгин, шеър ва ҳикоялар айттириш ёрдамида мустаҳкамланади.

3-усул. Логопед болага «а» товушини талаффуз қилишни ва шу заҳотиёқ тилнинг учини кенг ёйиб тишлашни таклиф этади. Бунда «л» товуши аниқ ҳосил бўлади. Шундан кейин «л» товуши юқоридаги усуллар каби бўгин, сўзларни ва айттириш ёрдамида мустаҳкамланади.

«Л» ТОВУШИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН МАШҚЛАР

♦ «Л» товушли бўгинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ла-ла-ла-лампа

ло-ло-ло-ловия

лу-лу-лу-луғат

ле-ле-ле-лента

лў-лў лў-лўли

лампа

латта

ловия

лавлаги

гул

мўл

булут

булоқ

стул

стол

савол

комил

ал-ал-ал-бал

ол-ол-ол-стол

ул-ул-ул-булбул

ел-ел-ел-бел

ўл-ўл-ўл-йўл

тилла

пилла

салла

ғалла

асал

фасл



- ♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Ҳар хил гуллар очилди.	Қалам билан чизамиз.
Булбул ёқимли сайрайди.	Комил – одобли бола.

- ♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен олма олдим.	Биз олма олдик.
Сен олма олдинг.	Сиз олма олдингиз.
У олма олди:	Улар олма олдилар.

Мен далада ишладим.
Мен таътилни яйловда ўтказдим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортнинг номида «л» товуши бор?
2. Қайси меваларнинг номида «л» товуши бор?
3. Қайси уй жиҳозларининг номида «л» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «л» товуши бор?
5. Қайси гулларнинг номида «л» товуши бор?
6. Қайси идишларнинг номида «л» товуши бор?
7. Қайси қушларнинг номида «л» товуши бор?
8. Қайси кийимларнинг номида «л» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: троллейбус, вертолёт, олма, олча, гилос, стол, стул, йўлбарс, арслон, тулки, лола, атиргул, ликопча, пиёла, лаган, булбул, лайлак, қалдирғоч, қулупнай, рўмол, палто.

Топишмоқлар

Югурдим, етолмадим,	Сочларим толим-толим,
Қул солиб тутолмадим.	Топақол дўстим Олим!
(Соя)	(Мажнунтол)

Тез айтишлар

Оқил оқ олма олди, оқ олмани Оқил олди.

Олма шохида олмахон, олмани олма олмахон.

Йўлда Йўлдошга йўлбарс йўлиқди.

Мақоллар

Кўп уйла, оз сўзла. Бол ҳам тилдан,
Бало ҳам тилдан.

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
Ақл ақлдан қувват олади.

Ақлли иш – қанотли қуш.

ЖУМБОҚ

Юсуф Шомансур,



Айтинг қани, болалар,
Бу жумбоқни ким билар:
Қорбобо билан Қорқиз,
Йил бўйи не иш қилар?

Бош қотирар болалар,
Лолахон бўлса кулар:
Қорбобо билан Қорқиз
Ўзимизни қиш қилар.

«Р» ТОВУШИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «Р» товушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.


ра-ра-ра-ранг
ро-ро-ро-рота
ри-ри-ри-ризқ
ру-ру-ру-ручка
рў-рў-рў-рўмол

ар-ар-ар-арра
ор-ор-ор-бемор
ир-ир-ир-томир
ур-ур-ур-суқсур
ўр-ўр-ўр-шўр

равон
райҳон
равшан
рубоб
ручка
радио
редиска
рассом
ракета

маржон
арра
арқон
сурнай
қармоқ
дарвоза
трамвай
троллейбус
зарра

анор
анжир
камар
каптар
дафтар
дарахтзор
бемор
гавҳар
дудор



4 – Р. Шомахмудова, Л. Мўминова

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Кузда кунлар қисқаради.

Тўрткўз уйни кўриқлайди.

Дафтар, ручка – ўқув қуроллари.

Куз ойлари: сентябр, октябр, ноябр.

Анвар ром ясади.

Шаҳарда трамвай, троллейбус юради.

Қиш ойлари: декабр, январ, феврал.
21-мартда «Наврӯз байрами» бошланади.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен ракетани кўрдим. Сен ракетани кўрдинг. У ракетани кўрди.
Биз ракетани кўрдик. Сиз ракетани кўрдингиз. Улар ракетани
кўрдилар.

Мен аррани Давронга бердим.
Мен арча байрамига бордим.
Мен Самарқанд шаҳрида яшайман.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «р» товуши бор?
2. Қайси дарахтнинг номида «р» товуши бор?
3. Қайси уй жиҳозларининг номида «р» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «р» товуши бор?
5. Қайси сабзавотларнинг номида «р» товуши бор?
6. Қайси меваларнинг номида «р» товуши бор?
7. Қайси идишларнинг номида «р» товуши бор?
8. Қайси касбларнинг номида «р» товуши бор?
9. Қайси паррандаларнинг номида «р» товуши бор?
10. Қайси исмларнинг номида «р» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: Даврон, Зухриддин, Шухрат, Зумрад, Наргиза, Дурдона, Раҳима, хўроз, ўрдак, помидор, анжир, олхўри, анор, сервант, каравот, арча, терак, троллейбус, трамвай, пароход, трактор, йўлбарс, шер, арслон, сигир, картошка, карам, редиска, кап-гир, каструлка, агроном, ҳамшира, қарағай.

Топишмоқлар

Қат-қат тўнли,
Қариб бўйли.
(Карам)





Ёғочдан дастаси бор,
Темирдандир қирқ тиши.
Ушламаса дурадгор,
Гумон унинг юриши.
(Аппа)

Тез айтишлар

Турғун пиёзни тўғри тўғрайдими,
Турсун пиёзни тўғри тўғрайдими?

* * *

Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп.

* * *

Чархчи чархлар, қайчи ярқирар.

Тяншан тоғининг тагида тариллаб турган тракторнинг товуши тўрт
томонга тарқалиб турибди.

Мақоллар

Дарахт бир ерда кўкаради. Кўрққанга қўш кўринар.

* * *

Баҳорги ҳаракат – кузги баракат. Иш деса – айёр,
Ош деса – тайёр.

Шеърлар

Рустам Долимов.

АПРЕЛЬ

Апрел тутар гулдаста
Бизларга кучоқ-кучоқ,
Гулга тўлар бир пастда
Обод шаҳар ва қишлоқ.

ТЕРАК

Мен теракман,
Теракман,
Мен ҳаммадан

Осмон менинг
Елкамда,
Мен оламга

Керакман.

Тиргакман.

ҚОРЖОНИМ, ҚОРЖОН

Анвар Ҳожи.

Қор-у, қор-у қор,	Дил тортар равшан,
Ёғсайдинг бир бор:	Соғиндим, ишон
Кетиб чанг, ғубор.	Қоржоним, қоржон.

ТҮРҒАЙ

Ҳусниддин Шарипов.

Тўрғай, тўрғай,	Айламасам мен парвоз,
Жим ўтирсанг не бўлғай?	Вазминлашар ер бироз.
Тўрғай баланддан боқиб,	Енгиллатиб ер юкин,
Дейди қанотин қоқиб:	Учмоқдаман мен бугун!

ҚАРАҒАЙ

Эркин Воҳидов.

Бўйин чўзиб	Дер у:
Қарағай,	Барча дарахтдан
Қарағай.	Баланд – аканг
Ен-атрофга	Қарағай.

«Л – Р» ТОВУШЛАРИ ТАЛАФФУЗИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ Қуйидаги бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг:

ла-ра	ла-ла-ла	лу-лу-лу
ло-ро	ра-ра-ра	ру-ру-ру
лу-ру	ло-ло-ло	ро-ро-ро
ланж-ранж	лаҳм-раҳм	пилла-пирра
бил-бир	хол-хор	булоқ-биروق
бел-бер	тол-тор	илмоқ-иروق

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Болалар ойномага обуна бўлдилар.
Ўқувчилар экскурсияга бордилар.
Далада пахта терими бошланди.
Тошкентда кўп қаватли бинолар қурилди.
Гулноранинг Раъно исмли синглиси бор.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен олчани ликопчага солдим.	У олчани ликопчага солди.
Сен олчани ликопчага солдинг.	Сиз олчани ликопчага солдингиз.
Биз олчани ликопчага солдик.	Улар олчани ликопчага солдилар.

Мен телефонда Раҳима билан гаплашдим.
Мен ўртоғимга албом бердим.
Мен лагерда дам олдим.
Мен тракторчи бўламан.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Ким балиқни овлайди?
2. Айиқ қишда нима қилади?
3. Кузда қалдирғоч қаерга учиб кетади?
4. Поезд қаердан жўнайди?
5. Биринчи космонавт ким?

Текшириш учун сўзлар: балиқчи, иссиқ томонларга, ухлайди, вокзалдан, Юрий Гагарин.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Бў	да...ча	те...евизор
Бу...бул	шифоко...	теми...
Бу...ут	гугу...т	да...а

Эрта тонгда мусиқа янг...ади.
Фа...ҳоддан телеграмма о...дик?
Шаҳа...да бир неча болалар театри бор.
Олтин куз ке...ди.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Гулдонга чиройли ... солинган.

Стол устига оқ ... ёзилган.

...иссиқ ўлкаларга учиб кетишади.

Кузда ... қисқаради.

Қушлар ёқимли ...

Шифокор ... даволайди.

Текшириш учун сўзлар: гуллар, дастурхон, қушлар, сайрайди, касални, кунлар.

Топишмоқлар

Оқ тойчоғим суркалади,
Оқ йўргакка буркалади.
(Пиллақурт)

Ўйнайди ушоқча,
Ўзида битта оёқча.
(Пирилдоқ)

Тез айтишлар

Шамол ғувиллайди, байроқ ҳилпирайди.

* * *

Қоровулнинг олови ловуллар, кучуги вовуллар.

* * *

Қуриб қолган қалампир, бўлиб қопти қорамтир.

Мақоллар

Ақлсиз – бугунини ўйлар,
Булбул гулзорда ғўзал.

* * *

Ақлли – эртасини ўйлайди.

* * *

Йигит бўлсанг, мард бўл.
Одобли бола – оламга манзур.

Шеърлар

ЁМҒИР

Султон Жаббор.

Бугун ҳаво бошқача,	Бирин-кетин томчилар,
Чунон оғир, зил-зил.	Синар ғўё чил-чил.
Эртадан то кечгача,	Гоҳ сув бетин чимчилар,
Ер узра сув мил-мил.	Гоҳ товланар ҳил-ҳил.

ДЕҲҚОН ҚУШЛАР

Ўткир Рашид.

Сабзи экар қуёнлар,	Улкан сабзи етилар,
Қуёнлар – ёш деҳқонлар.	Қандай сабзи узилар?
Хуш кўришар сабзини,	Тез йўлини топишар,
Туш кўришар сабзини.	Булдозерда тортишар.
Сабзи унар бир дона,	Сабзи ўзи бир дона,
Қуёнвойлар парвона.	Бир дона-ю ягона.

ТУРНАЛАР

Ўткир Рашид



– Биз турналар, олисдан,
Узоқ элдан келамиз.
Булутларнинг устидан,
Шамолдай тез еламиз.
Денгизлардан,
Тоғлардан,
Дарёлардан,
Кўллардан,
Каналлардан,
Сойлардан,
Саройлардан,
Қишлоқлардан,
Эллардан
Ошиб, сизга учамиз,
Юртингизни қучамиз.

ВАТАНИМ

Чаман-чаман гулларга,	Кўкни қучган уйларинг,
Сайроқи булбулларга,	Ягонадир чиройинг,
Тошқин дарё, кўлларга,	Эл бағридек бағринг кенг.
Бойдир гўзал ватаним.	Сен ҳаёт, илҳом бердинг,
	Бор бул гўзал Ватаним.

Кузатинг, «Р – Л» товушларига оид расмларни аниқланг.



УЧИНЧИ ҚИСМ

«К, Г, Х, Қ, Ў, Ҳ» ТОВУШЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

«К» товуши портловчи, жарангсиз, тил орқа ундош товушдир.

«К» товуши портловчи, жарангсиз, чуқур тил орқа ундош товушидир. Уни талаффуз этиш пайтида тишлар оралиғи бир бармоқ кенглигида очиқ бўлиб, лаблар эркин ҳолатда туради. Тилнинг чекка қисми юқори тишлар қаторига тегиб туради.

Тилнинг орқа қисми ва ўзаги ёйсимон шаклда эгилиб, кўтарилиб турган юмшоқ танглайга тегади.

Бунда тил ўзак томон тортилиб, тил билан қаттиқ танглай орасидаги масофа тораяди. Ҳаво оқими торайган масофани ёриб чиқиб, шовқинли «к» товушини ҳосил қилади.

«Г» товуши эса портловчи, жарангли, тил орқа қисми юмшоқ ёйсимон шаклда кўтарилиб, пастки тишларга тегиб туради. Қаттиқ танглай билан тилнинг ўрта қисми орасидаги масофа тораяди. Шу масофадан сиқилиб, куч билан ёриб чиққан ҳаво «к» ва «г» ундош товушларини ҳосил қилади.

«Ҳ» товуши жарангсиз, чуқур тил орқа ундош товушидир.

«Ҳ» товуши талаффузи вақтида лаблар ва тишлар оралиғи ўртача кенгликда очилади. Тилнинг ўрта ва орқа қисми ёйсимон шаклда юқорига томон кўтарилиб, танглайга кўтарилади ва танглайга тегиб туради. Қаттиқ қисми ўртасида маълум оралик ҳосил бўлади. Юмшоқ танглай эса бироз кўтарилади. Тилнинг орқа қисми ва юмшоқ танглай сирғалиб ўтган ҳаво тўлқини юмшоқ танглайни титратиб, шовқин ҳосил қилади.

«Ҳ» товуши жарангсиз, бўғиз ундош товушидир. «Ҳ» товуши талаффузи вақтида артикуляция органлари аввалги товушдагидек бўлиб, бутун нутқ аъзолари эркин ҳолатда бўлади. Чиқаётган ҳаво оқими ҳеч қандай тўсиққа учрамай, «ҳ» ундош товушини ҳосил қилади. Бу товуш талаффуз этилганда кекирдикда бир озгина титраш сезилади.

«Ғ» товуши чуқур тил орқа, жарангли, сирғалувчи ундош товушидир.

Талаффуз пайтида тишлар оралиғи «қ» товуши талаффузи вақтидагидан кенгрок очилиб, тил учи пастки тишлар қаторига тегиб туради.

Лаблар «қ» товушидагидек икки ёнга бироз тортилади. Қаттиқ танглай билан тил юзаси оралиғидаги масофа бир текисда бўлмайди.

Чиқаётган ҳаво оқими тил орқа қисми ва юмшоқ танглай орасидан сирғалиб чиқиб, кўтарилган юмшоқ танглайни тебратади. К, Г, Х, Қ, Ў, Ҳ товушларининг нотўғри талаффуз этилишини каппатизм, гамматизм, хитизм деб аталади.

«К», «Қ» – товушларини бошқа товушлар билан алмаштириб талаффуз этилишини паракаппатизм дейилади. Масалан: коптoк-топ-тот; каптар-таптар; қанд-тант; қор-тор.

«Г», «Ғ» – товушларининг бошқа товушлар билан алмаштириб талаффуз этилишини параграмматизм дейилади.

Масалан: гул-дул, гўзал-дўзал, ёнғoқ-ёнтоқ, ёғ-ёқ.

«Х», «Ҳ» товушларини бошқа товушлар билан алмаштириб талаффуз этилишини парохитизм деб аталади. Масалан, хона-тона, хат-кат, ҳаво-каво, ҳолва-толва.

«К, г, х, қ, ғ ҳ» товушлари талаффузидаги камчиликларни қуйидаги усуллар ёрдамида бартараф этиш мумкин.

«К» товушини ҳосил қилишда болага та-та-та бўғинини айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида шпатель ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага бироз итарилади. Бунда аввал «кя», сўнгра тил ичкарироқ итарилганда «ка» бўғини эштиради. «К» товуши артикуляцияси аниқ бўлгандан сўнг механик воситалар ёрдамида «к» товушини талаффуз этиш тавсия қилинади ва у бўғин, сўз, гаплар, шеърларни айтиш ёрдамида мустаҳкамлаб борилади. «Г», «ғ» ва «ҳ» товушлари билан «қ» товушларини ҳосил қилишда ҳам юқорида айтиб ўтилган усуллардан фойдаланилади, лекин бунда «Г» товуши «д» товушидан (дя-дя-дя гя-гя-гя), «х» товуши «с» товушидан ҳосил қилинади (ся-с хя-хя-хя).

Тил орқа товушларини механик воситалар ёрдамида ҳосил қилиш босқичлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Ҳосил қилинадиган товушлар	Ёрдамчи бўғин	1-босқич	2-босқич	3-босқич
к	та	тя	кя	ка
ғ	да	дя	гя	га
х	са	ся	хя	ха
қ	та	тя	қя	қа
ғ	да	дя	ғя	ға
ҳ	с	ся	хя	ҳа

ТИЛ ОРҚА ТОВУШЛАРИНИНГ ТАЛАФФУЗИНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «К» товушли бўғинлар ва сўзларни аниқ талаффуз этинг:

ка-ка-ка-карам
ко-ко-ко-копток
ку-ку-ку-куз
кў-кў-кў-кўз
ки-ки-ки-кир

ак-ак-ак-калтак
ок-ок-ок-ток
ук-ук-ук-кучук
ўк-ўк-ўк-кўк
ик-ик-ик-кичик

каптар
копток
китоб
капалак
йўлак
кўрпа
кўча

какао
калтак
папка
какку
катак
кесак
кекирдак

терак
курмак
куртак
лайлак
кучук
ғалтак
челак



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Карим картошка экди.

Какку учиб кетди.

Малика далада капалак тутди.

Комила билан Малика иккита китоб олди.

Картошка, карам каби полиз экинлари пишди.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен Акмалнинг кийимини кийдим. Биз Акмалнинг кийимини кийдик.
Сен Акмалнинг кийимини кийдинг. Сиз Акмалнинг кийимини кийдингиз.

У Акмалнинг кийимини кийди. Улар Акмалнинг кийимини кийдилар.
Мен кутубхонадан китоб олдим.
Мен терак кўчатини ўтказдим.

♦ Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Китобларни қаердан олиш мумкин?
2. Сиз қайси шаҳарда яшайсиз?

Текшириш учун сўзлар: кутубхонадан, Тошкентда.

♦ Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «к» товуши бор?
2. Қайси дарахтнинг номида «к» товуши бор?
3. Қайси уй жиҳозларининг номида «к» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «к» товуши бор?
5. Қайси сабзавотларнинг номида «к» товуши бор?
6. Қайси гулларнинг номида «к» товуши бор?
7. Қайси идишларнинг номида «к» товуши бор?
8. Қайси касбларнинг номида «к» товуши бор?
9. Қайси паррандаларнинг номида «к» товуши бор?
10. Қайси кийимларнинг номида «к» товуши бор?
11. Қайси исмларнинг номида «к» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: такси, мотоцикл, терак, каравот, шкаф, коса, какку, лайлак, карам, картошка, космонавт, карнайгул, печакгул, ўрдак, кўйлак, Карима, Шавкат, челак, Акмал, Ҳаким, Назокат, эчки, читтак, редиска, эшак, тулки, нок, ўрик, тикувчи, шифокор, бастакор, курка, редиска.

Топишмоқлар

Кўп йиллар яшар ўзи,

Сира юмилмас кўзи.

Тонг ота-у бўлар кеч,

Ўз жойидан жилмас ҳеч.

(Ҳайкал)

Кундузи иззатда,

Кечаси хизматда.

(Кўрпа)

Деворда бор сўзанам,

Унда яшар кенг олам.

(Харита)

Тез айтишлар

Ўктам кўм-кўк, кўркем расмни кўм-кўк қаламда чизмоқда.

* * *

Ойқиз оқ тепада оқ каптарни, кўк тепада кўк каптарни кўриб қараб қолди.

* * *

Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ.

Мақоллар

Бирликсиз куч бўлмас.

Билимлининг йўли – нур.

Билимсизнинг кўзи кўр.



Шеърлар

Султон Ҳожибоев

Кўклам гулли кўйлак кияр,

Кўк, қизил, оқ сарикдан,

Кўллар оқиб ётган каби

Кумуш, биллур ариқдан.

♦ «Г» товушли бўғинлар ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

га-га-га-газ

го-го-го-гоҳ

гу-гу-гу-гул

гў-гў-гў-гўшт

аг-аг-аг-наҳанг

ог-ог-ог-огоҳ

уг-уг-уг-плуг

ўг-ўг-ўг-сўнг

газ

гилос

гулбеор

гуруч

гўзал

сингил

заргар

денгиз

лаган

сигир

занг

барг

тонг

гулбарг

чувалчанг

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Гуллар очилди.

Барглار ерга тўкилди.

Ёзги таътил тугади.

Гулноранинг Гулбахор исми
синглиси бои



Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. Кузда дарахтдан нима тўкилади?
2. Болалар езда қаерда дам оладилар?
3. Палов қайси идишга сузилади?

Текшириш учун сўзлар: *барг, лаган, оромгоҳ.*

♦ *Галларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.*

Мен Гулнорага гилос бердим.

Сен Гулнорага гилос бердинг

У Гулнорага гилос берди.

Биз Гулнорага гилос бердик.

Сиз Гулнорага гилос бердингиз.

Улар Гулнорага гилос бердилар.

Мен газетага мақола ёздим.

Мен гулни гулдонга солдим.

Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «г» товуши бор?
2. Қайси меваларнинг номида «г» товуши бор?
3. Қайси ҳайвонларнинг номида «г» товуши бор?
4. Қайси сабзавотларнинг номида «г» товуши бор?
5. Қайси гулларнинг номида «г» товуши бор?
6. Қайси идишларнинг номида «г» товуши бор?
7. Қайси касбларнинг номида «г» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: шойигул, капкир, гилос, гаримдори, лаган, сигир, бодринг, геолог, лавлаги, жигули, гултожихўроз, волга, даган.


Топишмоқлар

Сочи ўсган, бели боғланган,
Ифлосликка қарши чоғланган.

(Супурги)

«Тег, тег» – десам, тегмайди,
«Тегма» – десам, тегади.

(Лаб)



Бир ўра, бир ўрада минг ўра.
(Ангишвона)

Ҳаммани кийинтириб, ўзи яланғоч ётади.

(Игна)



Тез айтишлар

Гулнора гулдонга гул қўйдими,
Гулнора гулдондан гул олди ми?

Тез айтгину, тез гапир,
Тез айтганга бир патир.

Гулноз гузардаги гулзордан гул узди.

Шеър

Филдирак қаро тунда,
Гумбурлайди дамо-дам.
Гўё нимадир излар,
Гугурт чақиб бир одам.

Гулдан гулга кўчади,
Гул мисол оқ капалак.



Гулбаҳорни қучади,
Гул баргидек митти юрак.

«Г»–«К» ТОВУШЛАРИ ТАЛАФФУЗИНИ ФАРҚЛАШГА ОИДМАШҚЛАР

кал-гал

кул-гул

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Кутубхонадан нима олинади?
2. Кузда дарахт барглари нима қилади?
3. Сен қаерда яшайсан?
4. Полга нима солинган?

Текшириш учун сўзлар: *тўкилади, Тошкентда, гилам, китоб.*

♦ *Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.*

Мен Гули билан мактабда ўқийман.	Биз Гули билан мактабда ўқиймиз.
Сен Гули билан мактабда ўқийсан.	Сиз Гули билан мактабда ўқийсиз.
У Гули билан мактабда ўқийди.	Улар Гули билан мактабда ўқийдилар.

Мен гулни ўқитувчига бердим.
Мен китоб ўқишни яхши кўраман.

♦ *Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб, гапларни ўқинг.*

Бизнинг синфимиз ик...инчи қаватда.
Синфимизда кичик-кичик тува...ларда ...уллар бор.
...арима ма...табга эрта ...елди.

♦ *Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.*

Бинафша – баҳорнинг биринчи ...	Акмал ... ўқийди.
Маликанинг Попук деган ... бор.	Нигора кашта тикишни ...
Кеча ... кинофилм кўрдим.	

Текшириш учун сўзлар: Гули, газета, янги, ўрганди, мушуги.

Топишмоқлар

Икки япроқ бир танда,
Кезар ёзда чаманда.
(Капалак)

Тўн, қўйлагим, белбоғим,
Ердан унган бойлигим.
(Пахта)

Тез айтишлар

Оқ қўйлакка қўк тугма, қўк қўйлакка оқ тугма.

* * *

Тариқни чумчуқ еб кетди,
Эгаси эртага келаман деб кетди.
Келмай кетгур кўр чумчуқ,
Тариқни эгаси келгунча вайрон қилиб кетди.

Мақоллар

Камтарга – камол, Каттага ҳурматда бўл,
Манманга – завол. Кичикка иззатда бўл.

* * *

Уйинг тор бўлса ҳам,
Кўнглинг кенг бўлсин.

«Г – К» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД УЙИНЛАР



♦ «Қ» товушли бұғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

қа-қа-қа-қанд
оқ-оқ-оқ-оқ
иқ-иқ-иқ-арик
ўқ-ўқ-ўқ-ўқдон

ақ-ақ-ақ-ақл
қо-қо-қо-қон
қи-қи-қи-қиз
қў-қў-қў-қўзи

қанд қайчи
қайин қайин
қоп қора
қор қовун
қизил қалпоқ
қайиқ қошиқ
қаймоқ оққуш

қават қарағай
қарға қалампир
қуш қалдирғоч
қуён совуқ
қовоқ қопқоқ
бақлажон товуқ
нутқ ризқ



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Қумри қўғирчоқ ўйнайди.

Ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланган.

Қушлар бизнинг дўстимиз.

Асқарнинг онаси тўқувчи.

♦ Қуйидаги гапларни намунага қараб ўзгартиринг.

Мен қордан Қорбобо ясадим.
Сен қордан Қорбобо ясадинг.
У қордан қорбобо ясади.

Биз қордан Қорбобо ясадик.
Сиз қордан Қорбобо ясадингиз.
Улар қордан Қорбобо ясадилар.

Мен синглимга қўғирчоқ олиб бердим.
Мен далага қовун узишга чиқдим.
Мен булоқдан сув ичдим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси манзарали дарахтларнинг номида «қ» товуши бор?
2. Қайси ҳайвонларининг номида «қ» товуши бор?
3. Қайси сабзавотларнинг номида «қ» товуши бор?
4. Қайси гулларнинг номида «қ» товуши бор?
5. Қайси қушларнинг номида «қ» товуши бор?
6. Қайси идишларнинг номида «қ» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: қошиқ, қайрағоч, қайин, қарағай, қўй>
айиқ, қарға, қалампир, қалдирғоч, қозон, қуён, қизиличтон, оққуш,
қизғалдоқ, қоқиғул, қўқонгул, бақлажон.

Топишмоқлар



Тарвузим бир оёқли,
Пасти рангдор бўёқли.
Қўрсатар ҳаммаёқни,
Ҳам яқин, ҳам йироқни.
(Глобус)

Пакана хотин уй пойлар.
(Қулф)



Тез айтишлар

Оқил оқ олма олди, оқ олмани Оқил олди.

* * *

Боқи, Ботир бузоқ боқди.

* * *

Қайрағочда қора қарға қари қарғани чўқиди.

Мақоллар

Қолган ишга қор ёғар.

* * *

Ўқиш бошқа – уқиш бошқа.

Ўқимаган оқсайди,
Ўқиган ўқдай ўзар.

«К» – «Қ» ТОВУШЛАРИНИНГ ТАЛАФФУЗИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ Қуйидаги сўзларни талаффуз этинг:

камар-қамар
ковак-қовоқ

карам-қарам
каср-қаср

кон-қон
қўр-қўр

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Тикувчи нима тикади?
2. Дарсга кириш учун нима чалинади?
3. Қишда нима ёғади?
4. Ун нимада эланади?

Текшириш учун сўзлар: элак, қор, кийим, кўнғироқ.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен Каримага қора қалам бердим.

**Биз Каримага
қора қалам бердик.**

Сен Каримага қора қалам бердинг.

**Сиз Каримага қора
қалам бердингиз.**

У Каримага қора қалам берди.

**Улар Каримага қора
қалам бердилар.**

Мен дўкондан оқ қанд олиб келдим.

Мен Маликага ёнгоқ чақиб келдим.

Мен таътилда қишлоққа бордим.

Мен кўп қаватли бинода яшайман.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...итоб ва дафтар ўқув қуроллари.

Кичкина И...бол ариқ бўйида ўйнайди.

Кузда ...алдирғочлар иссиқ томонларга учиб кетади.
Қобилнинг у...аси аълочи.
Биз китоб ў...ишни севамиз.

Топишмоқлар

Тушдан ўзгаси кўринмас ўзига,
Кийинган кўйлаги кўринмас кўзига.

Тез айтишлар

Ўктам кўм-кўк кўклам расмини кўк қаламда чизмоқчи.

* * *

Оқ кўйлакка кўк тугма, кўк кўйлакка оқ тугма.

Мақоллар

Камтарга – камол,
Ман-манга – завол.

* * *

Уйинг тор бўлса ҳам,
Кўнглинг кенг бўлсин.

Шеърлар

Уйғун.

Аҳмад бир кун боққа кирди,
Даста-даста гул төрай деб.
Хурсанд қилиб дўстларимни,
Кучоқ-кучоқ гул берай деб.

Узаман деб қўл чўзувди,
Гул тўсатдан учиб кетди.
Аввалига шошиб қолиб,
Аҳмад бирдан чўчиб кетди.

Кейин билса, гул дегани
Гул эмас, бўлак экан.
Гул бошида қўниб турган
Гулдор капалак экан.



♦ «Х» товушли бўгинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ха-ха-ха-хат
хо-хо-хо-хол
хи-хи-хи-хина
ху-ху-ху-хурмо
хў-хў-хў-хўра

ах-ах-ах-ахта
оҳ-оҳ-оҳ-нигоҳ
их-их-их-мих
ух-ух-ух-рух
ўх-ўх-ўх-шўх

халқ	мошхўрда
хамир	мих
хашак	хўроз
хурмо	бахмал
яхши	дилхуш
ҳаңда	пахта
ханжар	шахмат
хумдон	пахса
хашак	калхат

тарих
бахт
тахт
чарх
шох
сершоҳ
ахлоқ
шўх
дарахт



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Дарахтнинг барги тўкилди.
Хайрулло дарахт шохини кесди.
Олхўри яхши ҳосил берди.

Пахта терими бошланди.
Биз Хивада бўлганмиз.
Халил пахта терди.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Музда қандай ўйин ўйнашади?
2. Бизнинг бойлигимиз нима?
3. Телевизорда ҳар куни нима кўрамиз?
4. Конвертга нима солинади?

Текшириш учун сўзлар: хоккей, пахта, хат, ахборот.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен хоккей ўйнашни яхши кўраман.

Сен хоккей ўйнашни яхши кўрасан.

У хоккей ўйнашни яхши кўради.

Биз хоккей ўйнашни яхши кўрамиз.

Сиз хоккей ўйнашни яхши кўрасиз.

Улар хоккей ўйнашни яхши кўрадилар.

Мен Тохирга хат ёздим.

Мен жамоа ҳўжалигида ишладим.

Мен машинада пахта тердим.

Қуйидаги саволларга жавоб бering:

1. Қайси транспортларнинг номида «х» товуши бор?
2. Қайси меваларнинг номида «х» товуши бор? ф
3. Қайси ҳайвонларнинг номида «х» товуши бор?
4. Қайси гулларнинг номида «х» товуши бор?
5. Қайси паррандаларнинг номида «х» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: пароход, теплоход, ҳўроз, ҳўтик, олҳўри, гулхайри, хурмо.



Топишмоқлар

Боши тароқ,

Думи ўроқ.

{Хўроз}

Юриб-юриб тангадай
жойни олади.

{Ҳасса}



Тезайтишлар

Чархчи чархлар, қайчи ярқирай.

* * *

Хаскаш хашакни хаш-паш дегунча хаскашлайди.

Мақоллар

Ботирдан яхши иш қолар,
Донодан яхши сўз.

Чин сўз – мўтабар,
Яхши сўз – мухтасар.

* * *

Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

♦ «Х» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ҳа-ҳа-ҳа-ҳаво	аҳ-аҳ-аҳ-аҳд	
ҳо-ҳо-ҳо-ҳол	оҳ-оҳ-оҳ-оҳу	
ҳи-ҳи-ҳи-ҳинд	их-их-их-миҳ	
ҳу-ҳу-ҳу-ҳусн	ух-ух-ух-туҳфа	
ҳў-ҳў-ҳў-ҳўкиз	ўҳ-ўҳ-ўҳ-кўҳна	
ҳаво	ҳовуз	аҳмоқ
ҳаёт	маҳалла	шарҳ
ҳарф	маҳкам	сахна
ҳайкал	оҳак	сияҳ
ҳамшира	сахна	тимсоҳ
ҳандалак	соҳиб	суллоҳ
ҳазил	деҳқон	сипоҳ
ҳайвон	даҳлиз	маҳси
ҳовуз	сахна	жоҳил
ҳолва	сахро	рахмат

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Баҳодир доскани артияпти.
Ҳайвонот боғида турли ҳайвонлар бор.
Маҳмуд билан Аҳмад мактабдан келдилар.
Аҳмад деразани очаяпти.
Шахло гулларга сув қуйяпти.
Муҳаббат шаҳарга борди.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен Маҳмуд билан ҳайвонот боғига бордим.
Сен Маҳмуд билан ҳайвонот боғига бординг.
У Маҳмуд билан ҳайвонот боғига борди.
Биз Маҳмуд билан ҳайвонот боғига бордик.

*Сиз Маҳмуд билан ҳайвонот боғига бордингиз.
Улар Маҳмуд билан ҳайвонот боғига бордилар.*

Мен ҳовлимизга гул эдим.
Мен ҳамшира бўламан.
Мен меҳнатни севаман.

Беғубор севинч кутар,
Баҳор чоғи очилар.
Гул барглари сиёҳранг,
Бўйи оламини тутар.
(Бинафша)



Тез айтишлар

Ўктам кўм-кўк кўклам расмини кўк қаламда чизмоқчи.

* * *

Жўҳорини чумчуқ еб кетди,
Эртага келаман деб кетди.
Келмай кетгур кўр чумчуқ,
Жўҳорини эгаси келгунча
вайрон қилиб кетди.

* * *

Уйинг тор бўлса ҳам, Кўнглинг кенг бўлсин.

«К – Х» ТОВУШЛАРИ ТАЛАФФУЗИНИ ФАРҚЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «К»- «Х» товушли сўзларни аниқ талаффуз етинг.

калта – халта
канда– ханда

кор – хор
кон– хон

коса – хоса
кўп – хўп

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб, сўзларни ўқинг.

...апалак	ма... таб	Му...тор
...алта	ду...оба	ма...туб
...одим	бўла...	иста...

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Сен эрталаб соат нечада турасан?
2. Қайси қизларнинг исмларида «к», «х» товушлари бор?
3. Қайси ўғил болаларнинг исмларида «к», «х» товушлари бор?
4. Кийим нима билан тозаланади?

Текшириш учун сўзлар: саккизда, Хуршида, Комила, Хуррам, Хабибулла, Карим, чўтка, Хадича.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

<i>Мен кузда пахта тердим.</i>	<i>Биз кузда пахта тердик.</i>
<i>Сен кузда пахта тердинг.</i>	<i>Сиз кузда пахта тердингиз.</i>
<i>У кузда пахта терди.</i>	<i>Улар кузда пахта тердилар.</i>

Мен Комилга хат ёздим.
Мен ёзги таътилни яхши ўтказдим.
Мен Хуршид билан хоккей ўйрмчм.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Акам менга... итоб олиб берди.
Бизнинг ҳўжалигимиз па...та экади.
Республикамизнинг пойтахти – Тош...ент.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

Акам билан сабзавот ... бордик.
Китоб жавонида ... тахланган.
Мен хамир овқатни ... кўраман.
Холамнинг уйи шаҳарнинг серқатнов ... жойлашган.
Овчилар ... пароходларда юриб овлайдилар.

Текшириш учун сўзлар: дўконига, китоблар, яхши, кўчасида, кит-ни.

Топишмоқлар

Кичкина митти, Холхўжани йиқитди. (Уйқу)	Қат-қат қатлама, Эсинг бўлса ташлама. (Китоб)
--	---

Тез айтишлар

Осмоңда иккита калхат,
Бирининг оқ думи калта калхат,
Бирининг қора думи калта калхат.



Мақоллар

Ақли борнинг бахти бор.

Билим – бахт келтирар.

Кўп гапдан, оз бўлса
ҳам иш яхши.

КУРАШЧИ БОЛА

Дадамнинг дўсти
Сўрайди ҳар кун:
Кимнинг ўғлисан
Айтинг-чи, Хуррам.
Жавоб қилдим мен
Ўйламай-нетмай,

Тўғри юракда
Борим беркитмай.
Чунки бобомлар,
Полвондир зотим,
Мен ҳам тушимда
Девни қулатдим.

«Ғ» ТОВУШЛИ СЎЗЛАРНИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШ

♦ «Ғ» товушли бўғинларни ва сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ға-ға-ға-қарға
ғо-ғо-ғо-ғоз
ғу-ғу-ғу-ғунча
ғў-ғў-ғў-ғўза

ағ-ағ-ағ-жағ
оғ-оғ-оғ-боғ
уғ-уғ-уғ-буғ
ўғ-ўғ-ўғ-туғ

ғоз
ғор

буғдой
боғбон

мағиз
тоғора

тоғ
еғ

ғижжак
ғўза
ғалтак
ғалвир

ёнғоқ
боғча
ёғоч
қоғоз

ноғора
луғат
оғиз
тоға

жағ
чўғ
уруғ
буғ



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Қўнғироқ чалинди.

Турғун тўғри жавоб берди.

Боғдаги ёш дарахтлар ҳосилга кирди.

Уйғун ғайратли бола.

Дарсга қўнғироқ чалинди.

Пахта режаси ортиғи билан баж арилди.

♦ Қуйидаги гапларни намунага қараб ўзгартинг:

Мен қўнғироқ чалдим.

Биз қўнғироқ чалдик.

Сен қўнғироқ чалдинг.

Сиз қўнғироқ чалдингиз.

У қўнғироқ чалди.

Улар қўнғироқ чалдилар.

Мен ғозларга дон бердим.

Мен гулларни суғордим.

Мен ғанига ғалтак бердим.

Мен тоғда ёнғоқ тердим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси манзарали дарахтларнинг номида «ғ» товуши бор?

2. Қайси қушларнинг номида «ғ» товуши бор?

- 3 Қайси гулларнинг номида «ғ» товуши бор?
- 4 Қайси паррандаларнинг номида «ғ» товуши бор?
- 5 Қайси исмларнинг номида «ғ» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: қайрағоч, қарағай, қарға, қалдирғоч, қизғалдоқ, ғоз, ёнғоқ, ғани, Уйғун, Ғофур, Турғуной, тўрғай.

Топишмоқ



Икки ажиб қулоғи бор,
Бири сўзлар, бири тинглар.
(Телефон)

Тез айтишлар

Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди.

* * *

Қўнғироқ қўғирчоқникими, қўнғироқ қўзичоқникими?

Мақоллар

Яхши сўз жон озиғи, ғайрат қилган тоғни кесар,
Ёмон сўз – бош қозиғи. Ғайрат қилган темир арқонни узар.

* * *

Дили тўғрининг – тили тўғри.

Шеърлар

Муҳаммаджон Қушоқов.

Б о л а л а р:

Ғозлар, қўшиқ куйлайсиз,
Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Қаерларда ўйнайсиз,
Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Ғозлар:

Чўмиламиз кўлларда,
Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Болалар:

Нега оппоқ патингиз?
Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Ғозлар:

Чунки сувлар тўлқини,
Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Бизни ювар ҳар куни.

Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

Болалар:

Келинг ўртоқ бўламиз,

Ғоқ-ғоқ-ғоқ. ғозлар:

Бирга ўйнаб куламиз,

Ғоқ-ғоқ-ғоқ.

БОЛА ВА ТЎРҒАЙ

Шукур Саъдулла.

Сайра, тўрғай, жон тўрғай,
Сайрасанг кўнглим тўлғай.
Келганида ҳар баҳор,
Сени кутаман наҳор.
Тайёрлайман мен сенга,
Сайраб берасан менга.
Менинг отимдир Аҳмад,
Тўрғай дейди: – Кўп раҳмат!
Сайрайди тинмай тўрғай,
Сайраса кўнглим тўлғай.



БЕШИНЧИ

ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНД. – —

ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА УРГАТИШ МЕТОДИКАСИ

Талаффуз вақтида оғиз бўшлиғида тўсиқларга учраб, шовқин билан ҳосил бўладиган товушлар ундош товушлар деб аталади.

Ундош товушлар икки турга – жарангли ва жарангсиз товушларга бўлинади. Фақат шовқинсиз товушлар жарангсиз, шовқин билан бирга озми-кўпми овоз қўшиб айтиладиган товушлар эса жарангли ундош товуш деб аталади.

К, п, с, т, ф, ш, ч, к, х, ҳ жарангсиз ундош товушлари талаффуз вақтида артикуляцион органларнинг ҳолати, чиқаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиқларга дуч келиши натижасида ҳосил бўлиши ҳамда овоз пайчаларининг иштироки билан фарқ қилинади.

Жарангли товушлар талаффузи вақтида овоз пайчалари очилган бўлиб, улар товуш ҳосил бўлишида иштирок этмайди. Ҳаво оқими куч билан ташқарига чиқади.

В, Ф, Б, Д ТОВУШЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШГА ЎРГАТИШ

«В», «Ф» товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар куйидаги ҳолатда бўлади:

«Ф» товуши сирғалувчи, жарангсиз, лаб-тиш ундош товушидир. Талаффуз вақтида пастки лаб олдинга, юқориги тишлар томон кўтарилиб, ҳаво оқимининг чиқиши учун тор бўшлиқ яратади. Юқори лаб енгилгина кўтарилади ва юқори тишлар кўриниб туради.

Пастки тишларни пастки лаб ёпиб туради. Тил учи кўтарилиб, ўрта қисмида салгина ёй шакли ҳосил бўлади. Юмшоқ танглай кўтарилиб, қаттиқ танглай билан тил орасида кенг масофа ҳосил бўлади. Овоз пайчалари очиқ бўлиб, товуш ҳосил бўлишда иштирок этмайди. Ҳаво оқими тил ва лаб орасидан куч билан сирғалиб чиқади ва «ф» ундош товуши ҳосил бўлади.

«В» товуши сирғалувчи, лаб-тиш ундош товушидир. Артикуляцияси худди «ф» ундош товуши каби бўлиб, фақат шовқин билан айтилади, яъни овоз пайчалари жипслашиб, титрайди ва ҳаво оқими кучсиз бўлади.

«Б», «П» товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар куйидаги ҳолатда бўлади:

«П» товуши жарангсиз, лаб ундош товушидир. Артикуляцион ҳолат худди «п» товуши талаффузидек бўлиб, фақат овоз пайчалари жипслашади ва ҳаво оқими кучсиз бўлади.

«Д», «Т» товушлари талаффуз этилганда артикуляцион органлар қуйидаги ҳолатда бўлади.

«Т» товуши портловчи, жарангсиз, тил олди ундош товушидир. Талаффуз вақтида лаблар «т» товушидан сўнг келадиган унли товушнинг (масалан, та-то-ту...) ҳолатида бўлади, тил учи юқори тишларнинг орқа томонига қаттиқ тегиб туради. Тил ўрта қисмидан бошлаб орқа томон пастлаб бориб, ей ҳосил қилади. Қаттиқ танглай билан тил сатҳи ораси торайиб, тилнинг бўйи қисқаради. Юмшоқ танглай кўтарилади, овоз пайчалари очиқ бўлиб, товуш ҳосил бўлишда иштирок этмайди, Ҳаво оқими зарб билан тил учини тиш ва милқдан ажратиб, «ёриб чиқади» ва шовқин ҳосил қилади.

«Д» товуши портловчи, жарангли, тил олди ундош товушидир. Талаффуз вақтида артикуляцион органлар «т» товуши талаффузи пайтидек ҳолатда бўлади, овоз пайчалари жипслашади.

ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ ЖУФТ УНДОШЛАРНИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШДА УЧРАЙДИГАН ЖАРАНГЛИ НУҚСОНЛАР

Жуфт ундошларга қуйидаги ундошлар киради:

Б Д Г В З Ж
П Т К Ф Т С Ш

Талаффузда учрайдиган жарангли нуқсонлар уч турга бўлинади:

1. Жарангли ундошлар жуфти бўлган жарангсиз ундошлар билан алмашинади.
2. Жарангли ундошлар жуфти бўлган жарангсиз ундошлар билан алмашинади (бола-пола, дада-тата).
3. Жаранглаш тўла бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга жарангсиз товушлар ҳам етарли даражада бўлмаслиги ёки жарангли товушлар билан алмашилиши мумкин (пайпоқ-байбоқ, калит-галид).

ЖАРАНГЛИ ТОВУШЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Жарангли товушлар талаффузида учрайдиган нуқсонларни барта-раф қилишда, аввало, сирғалувчи (в, з, ж) товушлар, кейин эса портловчи (б, д, г) товушлар устида иш олиб борилади.

«В» товушини ҳосил қилишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- 1-усул. Логопед ойна олдида болага «ф» товушини талаффуз эттириб, овоз қўшишни таклиф этади (овоз қўшилишини билиш учун

қўлни ҳиқилдоққа босиб кўриш керак).

2-усул. Логопед болага «у» товушини талаффуз қилишни тақлиф этади ва айна вақтда боланинг пастки лабини бармоқлар ёрдамида олдинга, юқорига тишлар томон кўтаради. Шунда «в» товуши аниқ талаффуз этилади, сўнгра «в» товуши аниқ талаффуз этилади, сўнгра «в» товуши бўғин, шеър, ҳикояларни айттириш билан мустаҳкамланади. Кейин эса « в » нинг жуфт товуши (ф) билан фарқланади.

«В» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «В» товушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ва-ва-ва-ватан

во-во-во-вой

ву- ву- ву- вуж уд

варрак

ваъда

вергул

велосипед

вазифа

ёввойи

овоз

ав-ав-ав-нав

ов-ов-ов-олов

ув-ув-ув-кув

даво

давр

Даврон

овқат

овчи

гавда

овора

палов

олов

давлат

ов

куёв

довучча

сайлов



♦ Қуйидаги гапларни ўқинг.

Ўқувчилар ёзувчилар билан учрашишди. Даврон беш баҳога ўқишга ваъда берди. Автобус вокзалга келиб тўхтади.

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен космонавт бўламан.

Сен космонавт бўласан.

У космонавт бўлади.

Биз космонавт бўламиз.

Сиз космонавт бўласиз.

Улар космонавт бўладилар,

Мен аъло ўқишга ваъда бердим.

Мен ҳовуздан сув олдим.

Мен Василага совға олдим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «в» товуши бор?
2. Қайси манзарали дарахтларнинг номида «в» товуши бор?
3. Қайси уй жиҳозларининг номида «в» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «в» товуши бор?
5. Қайси сабзавотларнинг номида «в» товуши бор?
6. Қайси касбларнинг номида «в» товуши бор?
7. Қайси исмларнинг номида «в» товуши бор?
8. Қайси полиз экинларининг номида «в» товуши бор?
9. Қайси паррандаларнинг номида «в» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: автобус, трамвай, вертолёт, велосипед, товуқ, товус, новвой, ўқитувчи, Даврон, Васида, Вазира, овчи, Шавкат, Мавлон, қовун, лавлаги, Аваз, диван, ошқовоқ, ловия.

Топишмоқлар



Ёруғи бор, довруғи бор,
Ўзи йўқ, овози бор.

(Момақалдирик)

Сувга тушса мингта,
Сувдан чиқса битта.
(Соч)



Тез айтишлар

Човли – симдан,
Човгум – мисдан.

* * *

Сотволди босволдини сотволдими,
Сотволди босволдини босволдими?

* * *

Овлоқда овчи овин овлар.

Мақоллар

Аввал ўйла – кейин сўйла.

Сувсиз ҳаёт бўймас.

* * *

Вақтинг кетди – бахтинг кетди.

* * *

Водий суви кечиксиз бўлмас.



Шеър

Вой, вой, дейман, вой тишим,
Вой-войламоқдир ишим.
Вақтида тиш ювмадим,
Вой, қўймас ҳеч оғришин.

«Б» товушини ҳосил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1-усул. Логопед ойна олдида ўтирган болага «п» товушини овоз қўшиб талаффуз этишни таклиф этади (овоз қўшилишини билиш учун қўлни ҳиқилдоққа босиш керак).

2-усул. Логопед болага товушини чўзиброқ талаффуз этишни таклиф этади ва шу пайтда бармоқлари билан боланинг пастки лабини енгил ва тез-тез ҳаракат қилдириб, юқорига ва пастга қимирлатади. Лабнинг жипслашиб ажралиши натижасида «Б» товуши ҳосил бўлади.

Шундан кейин бўғинлар, сўзлар, гаплар, шеърлар, ҳикояларни айтириш билан «б» товушини аниқ талаффуз этиш мустаҳкамланади. Кейин «б» нинг жуфт товуши (п) билан дифференциацияланади.

«Б» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «Б» товушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.

ба-ба-ба-банан бу-бу-бу-булбул

бо-бо-бо-бола бў-бў-бў-бўйра

бадан белбоғ қассоб

балиқ думбул ғазаб

балчиқ духоба ғариб

билим душанба қалб



байрам

табиб

ҳисоб

байроқ

сабзи

Ҳабиб

бешик

табиат

китоб

бодринг

сабаб

мактаб

♦ Қуйидаги гапларни ўқинг:

Бу бино.

Бу бола.

Бу мактаб.

Бу Наби.

Бу бозор.

Бу болта.

Болалар Қорбобо яшашди.

Якшанба кuni бозорга бордик.

Болалар бинафша тердилар.

Бувим билан бобом Бухорода туради.

Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен боғбон бўламан.

Биз боғбон бўламиз.

Сен боғбон бўласан.

Сиз боғбон бўласиз.

У боғбон бўлади.

Улар боғбон бўладилар.

Мен бувимга ёрдам бераман.
Мен китобни ўқиб бераман.
Мен Баҳодирга чанғи олиб бердим.

Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «б» товуши бор?
2. Қайси қушларнинг номида «б» товуши бор?
3. Қайси исмлар номида «б» товуши бор?
4. Қайси ҳайвонларнинг номида «б» товуши бор?
5. Қайси сабзавотларнинг номида «б» товуши бор?
6. Қайси гулларнинг номида «б» товуши бор?
7. Қайси меваларнинг номида «б» товуши бор?
8. Қайси касбларнинг номида «б» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: Барно, Матлуба, Баҳодир, Наби, Иқбол, бедана, сабзи, табиб, қассоб, бўри, беҳи, йўлбарс, гулбеор, бўтакўз, автобус, троллейбус, бўри, бўталоқ, ҳисобчи.

Топишмоқлар

Болта урдим, бадахшон кетди.

(Милтиқ)



* * *

Беш оға-ини қўраси бир,
Хонаси бошқа.

(Қўлқоп)



* * *



Оппоқ бўлиб, қор эмас,
Суюқ бўлиб, сув эмас.
Ширин бўлиб, қанд эмас,
Қани, топинг бу нима?

(Сут)

Тез айтишлар

Беш мис баркаш,
Беш мис баркашнинг ичида
беш минг беш мис баркаш.

Турп тутни туртиб турибдими,
Тут турпни туртиб турибдими?

Мақоллар

Бахилнинг боғи кўкармас. Баҳорги ҳаракат – кузги баракат.

* * *

* * *

Бекорчидан ҳамма безор. Бўлинганни бўри ер.

Шеър

Боғимизнинг бир четида
Бобом эккан бодом бор.
Бу бодомни кўрсак гўё
Боғимизда бобом бор.

«Д» товушини ҳосил қилишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

1-усул. Логопед ойна олдида ўтирган болага «т» товушини овоз қўшиб талаф фуз этишни таклиф қилади (Буни текшириш учун қўлни ҳиқилдоққа босиб кўриш керак).

2-усул. Логопед болага ба-ба-ба-ба бўғинини, кейин эса да-да-да бўғинини ёки алмаштириб ба-да-ба-да бўғинини талаффуз қилишни таклиф этади.

3-усул. Логопед ойна олдида ўтирган болага ба-ба бўғинини тилни олдинга чиқариб талаффуз этишни таклиф қилади. Натижада, «д» товуши ҳосил бўлади. «Д» товуши талаф фуз этилганда, логопед бармоқлари билан боланинг лабларини юқорига ва пастга тортиб туради. Тишлар очилганда «д» товуши аниқ эшитилади. «Д» товуши бўғинларни, сўзларни айттириб мустаҳкамлагандан кейин болага тил учини юқори тиш алвеолаларига текказиб, «д» товушини айтиш таклиф қилинади. «Д» товуш шу ҳолатда аниқ талаффуз этилгандан сўнг уни бўғинлар, сўзлар, гаплар, шеърлар, ҳикояларни айттириш билан мустаҳкамлаб борилади ва «д» нинг жуфт товуши (т) билан фарқланади.

«Д» ТОВУШИ ТАЛАФФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД МАШҚЛАР

♦ «Д» товушли бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этинг.

Да-да-да-дала
До-до-до-дон


ду-ду-ду-дунё
ди-ди-ди-дил

дў-дў-дў-дўл

данак
даво
дори
доска
дарс
девор
денгиз
дераза
деҳқон

адабиёт
дада
Адҳам
адаш
радио
муддат
мудир
миҳдон
одоб

модда
ижод
мақсад
озод
Мурод
пайванд
паризод
мард
жилд



♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен дафтар олдим.
Сен дафтар олдинг.
У дафтар олди.
Мен дарахт экдим.

Биз дафтар олдик.
Сиз дафтар олдингиз.
Улар дафтар олдилар.

Мен қўлагимни дазмолладим.

Мен Йўлдош билан «Динамо» стадионига бордим.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қайси транспортларнинг номида «д» товуши бор?
2. Қайси уй жиҳозларининг номида «д» товуши бор?
3. Қайси сабзавотларнинг номида «д» товуши бор?
4. Қайси касбларнинг номида «д» товуши бор?
5. Қайси қушларнинг номида «д» товуши бор?
6. Қайси исмларнинг номида «д» товуши бор?
7. Қайси паррандаларнинг номида «д» товуши бор?

Текшириш учун сўзлар: ўрдak, қалдирғоч, помидор, диван, велосипед, поезд, Мавлуда, Мавжуда, Дилшод, Мурод, мудир, деҳқон, гаримдори, бодринг.

Топишмоқлар

Тўлқини зўр, денгиз эмас,
Томири кўп, дарахт эмас. (Радио)



Сухбати ширин дўстим,
Тургани билим дўстим. (Китоб)

Кўкда у танҳо мезбон,
Кутар доимо меҳмон.
Яраклайди зулматда,
Кундуз ухлар роҳатда. (Ой)



Тез айтишлар

Чаманда, чамамда Чилдирма чалдим.

* * *

Олим Олимадан олма олдим, Олима Олимдан олма олдим?

* * *

Садир сададаги сариқ саъвани қафасга солди.

* * *

Йўлда Йўлдошга йўлбарс йўлиқди.

Мақоллар

Дарахт бир жой да кўкаради. Дастурхонга боққан – дўст эмас.

* * *

* * *

Дўст дўстни кулфатда синар. Дуо олган омондир,
Қарғиш олган ёмондир.

Шеър

Дилбаройнинг дили шод,
Далада қайнар ҳаёт.
Дадаси кетмон чопар,
Дилбарой ўйин топар.

«В» – «Ф» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШ

♦ Қуйидаги сўзларни аниқ талаффуз этинг:

важ-фалаж	видо-фидо
васл-фасл	вазият-фазилат
вахм-фаҳм	вақт-факт
ваза-фаза	варрак-фалак



♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб, гапларни ўқинг.

...агон	...утбол	жа...об
...исол	...асл	да...тар
...одий	...ерма	на...ас
...аҳоб	...абрика	о...тоб

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен баҳор фаслини севаман. Биз баҳор фаслини севамиз.
Сен баҳор фаслини севасан. Сиз баҳор фаслини севасиз.
У баҳор фаслини севади. Улар баҳор фаслини севадилар.

Мен бинафша гулни Равшанга кўрсатдим.
Мен сув бўйида Юсуфни кўрдим.
Мен ҳовлига шафтоли кўчати ўтқаздим.

Қуйидаги саволларга тўлиқ жавоб беринг:

1. Вазага нима солинди?
2. Боғда нима пишибди?
3. Ўқувчилар қаерга бордилар?
4. Қайси исмларда «в», «ф» товушлари бор?

Текшириш учун с ўзлар: мевалар, шафтоли, фабрикага, Василад, Фотима, Мавжуда, Зулфия, Дилфуза, Гавҳар, Вазира, Воҳид, Фаттоҳ, Жавлон.

♦ Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Вазиранинг эсдалик да... тари бор.
Бир йилда тўрт ... асл бор.
Гулларни ўқувчилар пар...ариш қиладилар.

Ҳай...онот боғида то...ус бор.
Аълочи ўқувчилар муко...отландилар.
Ўқу...чилар тана...усга чиқдилар.

Топишмоқ

Устунни йўқ, томи йўқ,
Уйдан сира ками йўқ.
Ўқув қуроли ҳар хил,
Унда турар дўст-аҳил.
(Папка)



Тез айтиш

Фотима фалсафадан сўзласа,
Фарида сафсата сотади.

Мақоллар

Фарзанд – жонга пайванд. Нодон дўст – жафо,
Чин дўст – вафо.

Шеър

САБЗАВОТ

Й.Тувин

Холам уйга олиб келди бозордан:
Карам, сабзи, картошка, лавлаги,
Нўхот, петрушка, қайси бири тотли?
Сабзавотлар баҳс очдилар столда,
Инсон учун қайси яхши ва фойда?
Карамми? Сабзими? Картошками?
Лавлагими? Нўхатми? Петрушками?
Қайси бири тотли?
Шу чоқ хола пичоғини хўп қайраб,
Сабзавотларни кеса кетди майдалаб:
Карамни, сабзини, картошкани,
Лавлагини, нўхотни, петрушкани
Қайси бири тотли?
Қопқоқ ёпиқ қозон роса қайнади,
Қайнаб-қайнаб маза чиқди баридан:
Карамдан, сабзидан, картошкадан,
Лавлагидан, нўхатдан, петрушкадан.
Сабзавотнинг шўрваси ҳам
Бўлар экан лаззатли!



«Б» – «П» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШ

♦ Қўйидаги сўзларни ўқинг:

барг-парк
бой-пой
барча-парча

боя-поя
боғбон-полвон
бахмал-пахмал

бақир-пақир
байроқ-пайпоқ
бочка-почка



♦ Нуқталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

...аҳор .арвоз лам...очка ...алиқ ...иёз
гул...еор •• .озор ...илиа и...ак

♦ Ғапларни қўйидаги намунага қараб ўзгартиринг.

Мен топишмоқнинг жавобини топдим.

Сен топишмоқнинг жавобини топдинг.

У топишмоқнинг жавобини топди.

Биз топишмоқнинг жавобини топдик.

Сиз топишмоқнинг жавобини топдингиз.

Улар топишмоқнинг жавобини топдилар.

Мен ботаникадан беш баҳо олдим.

Мен дераза пардаларини ювдим.

Мен ботаникадан беш баҳо олдим.

Мен дераза пардаларини ювдим.

Мен Паризода билан дам олиш сўхатгоҳига бордим.

♦ Нуқталар ўрнига керакли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Опам янги кито... олиб берди.

Анжирнинг я... роғи катта бўлади.

Тўкилган... ахталарни болалар тердилар.

Бу йил... ахталарни болалар тердилар.

... ойезд манзилга келиб тўхтади.

Макта... ҳовлиси су... урилди.

♦ Нуқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг.

... қўйларни пойлаб ётарди.

... қор ҳаммаёқни қоплаган.

Биз сентябр ва октябр ойларида ... терамиз.

Менинг ... кутубхонада ишлайди.

Осмонда бир ... булут пайдо бўлди.

Текшириш учун сўзлар: пахта, парча, оппоқ, Олапар, опам.

Топишмоқлар

Дарсда бизга даркор ҳар чоқ,

Кечаси офтобдек,

Юзи қора, сўзи оппоқ.

Кундузи коптоқдек.

(Доска)

(Лампочка)

Тез айтишлар

Тошпўлат патнисда патир билан парварда келтирдими,

Эшпўлат патнисда патир билан парварда келтирдими?

Мақоллар

Гап билгунча иш бил.

Адашган йўлни топса, айб эмас.

* * *

Бош омон бўлса, дўппи топилар.

ОҚ КУЛЧА

Менинг опам пазанда,

Тандирга ўтин қалаб,

Туриб эрта азонда,

Хамир узиб, нон ясаб,

Онамга ёрдам берар,

Ёпиб берар оқ кулча,

Кўпчителиб хамир қорар.

Мен ўқишга кетгунча.

«Д – Т» ТОВУШЛАРИНИ ФАРҚЛАШ

♦ Қуйидаги сўзларни аниқ талаффуз этинг:

дим – тим

донг – тонг

дилим – тилим

дин – тин

довон – тоvon

дилсиз – тилсиз

душ – туш

адо – ато

димоғ – томоқ

адир – атир

озод – азот

қад-қат



♦ *Нукталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.*

...ас Ла

...акси

пах...а

...асма

...аом

ўр...ак

♦ Гапларни қуйидаги намунага қараб ўзгартиринг:

Мен Тошкентга поездда келдим.

Биз Тошкентга поездда келдик.

Сен Тошкентга поездда келдинг.

Сиз Тошкентга поездда келдингиз.

У Тошкентга поездда келди.

Улар Тошкентга поездда келдилар.

Мен дарсни пухта тайёрлайман.

Мен эрталаб соат олтида турдим.

Мен далага пахта теримига чиқдим.

Мен Тошкент метросига тушдим.

Мен Даврон билан Фарҳодникига бордим.

Мен ҳайвонот боғига бордим.

♦ *Нукталар ўрнига тегишли ҳарфларни*

Турсуной ...алада пахта терди.

Сай...а столдан с...акан олди.

Ме...ро ер ости темир йўлидири.

Нукталар ўрнига тегишли ҳарфларни қўйиб ўқинг.

Сул...он, Со...иқ – иккиси дўс...

Кунлар қаттиқ иси...и.

Мақтабимизда..еворий газета чиқди.

♦ *Нукталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб гапларни ўқинг.*

...учиб келди.

Юлдуз ...тозалади.

...турли газламалар тўқилади.

Тошкент ...шаҳри.

... пахта тозаланади.

Кутубхонада ... жуда кўп.

Текшириш учун сузлар: қалдирғоч, тишини, дўстлик, заводда, пахтадан, китоб, комбинатда.

Топишмоқлар

Тунда ёнар сонсиз чўғ,
Кундузи изласанг ҳам йўқ.
(Юлдузлар)



Товушларни тинглайди,
Ўз жойидан жилмайди.
Боқмасангиз кўзгуга,
У сизга кўринмайди.
(Кулоқ)



Тез айтишлар

Мамадали, Асадали, Асқарали
Боқди асалари, тўплагани асал бари.

* * *

Айланмас тил, титрайди дил.

* * *

Металчи Мутал металдан Детал ясади.

* * *

Тубсиз денгиз дедингизми, Денгиз тенгсиз дедингизми?

Мақоллар

Дўст — дўстнинг таянчи.
Етти ўлчаб, бир кес.

Табассум тошни эритади.
Той минган, от ҳам минади.

♦ В, б, д, т товушларини ҳикоялар орқали мустаҳкамлаш.

ДИЛБАР

Дилбарни ҳовлига сув сепаётганини кўриб, онаси қувониб кетди:

– Яша, меҳрибон қизим! Ишимни енгиллаштирдинг. Мен энди овқат пиширай, – деди. Дилбар ҳовлига сув сешиб бўлиб, онасидан сўради:

– Ойижон, супурги қани?

– Тол тагида турибди. Ҳовлини супуриб бўлганингдан кейин супургини офтобга ташлаб қўйма, қуриб қолади. Кейин супурганингда синиб кетади, – деди онаси.

Дилбар «Ойим жуда ақлли-да, ҳамма нарсани билади», деб ўйлади ва онасига ўхшагиси келди.



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

Биринчи қисм

Нутқ аъзоларининг тузилиши.....	4
Нафас олиш.....	5
Овоз.....	7
Болалар нутқининг ривожланишида кўриш ва эшитишнинг роли.....	7
Нутқ камчиликларининг психологик-педагогик таснифи.....	8
Нутқ камчиликларининг турлари.....	8
Артикуляция аъзоларини текшириш.....	9
Артикуляция.....	9

Иккинчи қисм

Товушлар талаффузини текшириш.....	12
Сирғалувчи ва шовқинли (С, З, Ш, Ж, Ч) товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш методикаси.....	12
Сигматизмлар.....	13
Сигматизм турлари.....	13
Сирғалувчи товушларнинг талаффузини мустаҳкамлаш. «С» товуши талаффузига оид машқлар.....	15
«С» товушини мустаҳкамлашга доир шеърлар.....	18
«З» товуши талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар.....	18
Сирғалувчи «С – З» товушларини фарқлашга оид машқлар.....	22
«С – З» товушларини шеърлар ёрдамида мустаҳкамлаш ва фарқлаш.....	25
«Ш» шовқинли товуш талаффузини мустаҳкамлаш.....	26
«Ш» товуши талаффузига оид машқлар.....	26
«С – Ш» товушларини фарқлашга оид машқлар.....	28
«Ж» товуши талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар.....	31
«Ш – Ж» товушларини фарқлашга оид машқлар.....	33
«Ч» товуши талаффузига оид машқлар.....	37
«С – Ч» товушларини фарқлашга оид машқлар.....	40

Учинчи қисм

«Л», «Р» сонор товушларини тўғри талаффуз этишга ўргатиш методикаси.....	46
Ламбдацизмни бартараф этиш усуллари.....	46
«Л» товушини мустаҳкамлаш учун машқлар.....	47
«Р» товушини мустаҳкамлашга оид машқлар.....	49
«Л – Р» товушлари талаффузини фарқлашга оид машқлар.....	53

Тўртинчи қисм

«К, Г, Х, Қ, Ғ, Ҳ» товушларини тўғри талаффуз этишга ўргатиш методикаси.....	58
Тил орқа товушларининг талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар	60
«Г» – «К» товушлари талаффузини фарқлашга оид машқлар.....	65
«Г – К» товушларини фарқлашга оид ўйинлар.....	66
«К – Қ» товушларининг талаффузини фарқлашга оид машқлар.....	69
« К – Х » товушлари талаффузини фарқлашга оид машқлар.....	73
«ў» товушли сўзларни талаффуз этиш.....	74

Бешинчи қисм

Жарангли ва жарангсиз ундош товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш методикаси.....	80
В, Ф, Б, Д товушларини тўғри талаффуз этишга ўргатиш	80
Жарангли ва жарангсиз жуфт ундошларни талаффуз этишда учрайдиган жаранглаш нуқсонлари.....	81
Жарангли товушларни ҳосил қилиш.....	81
«В» товуши талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар.....	82
«Б>>» товуши талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар	84
« Д» товуши талаффузини мустаҳкамлашга оид машқлар.....	87
« В – Ф» товушларини фарқлаш.....	89
«Б – П» товушларини фарқлаш.....	91
«Д – Т» товушларини фарқлаш.....	93

